БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 73 (564)

11 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигининг кескин равишда ва тез юксалиши учун кўпгина тадбирлар кўрган ҳозирги пайтда бутун иш шундан иборатки, харбир колхозчи, МТС ва совхознинг ҳарбир ходими ўз ишига яна ҳам яхшироқ муносабатда бўлиши, XX с'езд қарорларини бажариш устида муттасил ўйлаши ва фидокорона меҳнат қилиши лозим.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг «Барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, МТСларнинг, илмий-текшириш муассасаларининг, тажриба станцияларининг ходимларига, агрономларга ва зоотехникларга, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига Мурожаат»идан).

Чигит экишни қисқа муддатда юқори сифатли ўтказайлик

Колхозчи деҳқонларимиз, иноли механизаторларимиз ва пахтакор совхозларнинг ишчилари кўкламги дала ишларининг энг ҳал қилувчи ва мас'улиятли даврига кирдилар. Редакцияга область колхоз ва совхозларида чигит экиш бошланганлиги ҳақида хабарлар келмоқда. Бекобод, Боёвут, Мирзачўл, Сирдарё, Янгийўл, Чиноз ва Оржоникидзе районларидаги айрим колхозлар, «Далварзин» ва «Боёвут» совхозлари дастлабки юзларча гектар ерга чигит экиб қўйдилар.

Чигит экиш кампанияси жуда кўп куч, оперативчилик, катта ташкилотчилик ва зўр уюшқоқлик талаб қиладиган ҳамда сра кечиктириб бўлмайдиган ғоят мас'улиятли кампаниядир. Кўкламги экишни муваффақиятли ўтказиш пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда ҳал қилучи босқичдир. Агар биз чигитни энг қулай агротехника муддатларида сифатли қилиб экиб, ўз вақтида ва соғлом ундириб олсак — ҳарбир далада кўчатларнинг талаб қилинган миқдорда бўлишига эришамиз, ҳосилнинг эрта етилишини ва ошишини та'минлаймиз.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, МТС, совхоз дирекциялари ва колхоз правленияларининг шу кеча-кундузги энг муҳим вазифаси — чигит экишни зўр уюшқоқлик ва пухта тайёргарлик билан давом эттиришдан, мўл ҳосилнинг тақдирини ҳал қиладиган бу муҳим тадбирни энг қулай агротехника муддатларида юқори сифатли қилиб ўтказишдан иборатдир. Афсуски, экишни ёппасига бошлаб юборишга вақти етиб келганига қарамасдан областнинг кўпчилик колхозларида чигит экишга тайёргарлик ишлари ҳалигача тугалланган эмас. Ҳатто, Бўка, Октябрь, Янгийўл, Верхне-волинск, Оққўрғон районларида ҳайдалмаган ерлар анчагина майдонни ташкил этади. Бу районларда трактор ремонтининг чўзиб юборилганлиги, мавжуд техника ва от-улов кучларидан тўлиқ фойдаланилмаганлиги, январь, февраль ва мартнинг ер ҳайдаш учун энг қулай кунлари кўпинча бекорга ўтказилганлиги натижасида ер ҳайдаш ишлари шу кунларгача судралиб, охири чигит экиш даврига тўғри келди. Бу эса чигит экишда ишлатиладиган кучларнинг бўлиниб кетишига, сур'атнинг пасайишига албатта та'сир қилмасдан қолмайди.

Бу йил область колхоз ва совхозларида чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экиш усулининг кенг қўлланилиши партия, совет ташкилотларининг барча ходимларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан, кўпсонли механизаторлар армиясидан, колхоз ва совхоз активларидан агротехника соҳасида революция ҳисобланган янги, прогрессив усулининг афзалликларини кенг пропаганда қилишни, квадрат-уялаб чигит экиш техникасини пухта эгаллаган кадрларни кўпроқ тайёрлашни талаб этади. Броқ, очиқ э'тироф қилиш керакки, областимизнинг бирқатор районларида бу иш кўнгилдагидек эмас. Юқоричирчиқ район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари (райком секретари Иброҳимов, райижроком раиси Абдуллаев, 1-нчи МТС директори Қосимов ўртоқлар) область партия комитетининг қарорини кейин ҳам квадрат-уялаб экиш агрегатларни ходимларига, бригада механиклари ва уларнинг ёрдамчиларига, колхоз раислари, правление а'золари ҳамда агрономларга, шунингдек далачилик бригадаларининг бошлиқларига янги усулда ишлашни ўргатишни яхши ташкил этмадилар.

Чигит экишга тайёргарлик кўришнинг ҳозирги аҳволи область қишлоқ хўжалик бошқармасидан (раҳбарлари Молчанов, Бересудский, Яровой ўртоқлар) техникани тайёрлаш ҳамда кадрларни ўргатиш ишига э'тиборни айниқса кучайтиришни, бу ишларни тез кун ичида тамомлаш учун қўшимча чоралар кўришни, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш методини тубдан яхшилашни қат'ий талаб қилади.

Ваҳоланки, бошқарманинг раҳбарлик иш услубида канцеляриячилик-бюрократик метод ҳалигача тугалланмаган, қоғозбозлик, сансалорлик практикаси чуқур томир ёйган. Қишлоқ хўжалик бошқармасининг ходимлари қарорлар, кўрсатмалар, сводкабозликни яхши кўрадилар, жойлардан келган заявкаларни ва қўйилган зарур талабларни ўз вақтида оператив ҳал қилмайдилар, МТСларнинг ишларига жуда кам амалий ёрдам берадилар.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси экиш кампаниясининг ҳозирги қизғин палласида ўз ишини бутунлай қайта қуриши, ҳарқачонгидан ҳам оператив ва пухта ишлаши, МТСларнинг иши устидан контрольликни кучайтириб, чигит экишни муваффақиятли ўтказишда уларга амалий ёрдам бериши лозим. Район партия, совет ташкилотлари, МТС ва совхоз дирекциялари, колхоз правлениелари чигит экишни қандай қилиб ўтказиш юзасидан конкрет план бўлишига эришишлари, бутун куч ва воситаларни кўкламги экишни муваффақиятли ўтказишга сафарбар этишлари керак. Чигит экиш кампаниясини ўтказиш плани ишлабчиқариш кучларидан тўғри фойдаланишни та'минлайди, экишда иштирок этадиган колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларнинг мас'улиятини оширади, ички резервлар ва имкониятларни чигит экишни қисқа муддатда юқори сифатли қилиб ўтказишга сафарбар этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Чигит экишни планлаштирганда ҳарбир колхоз ва совхознинг ўзида ҳам экиш муддатларини табақалаштириш керак. Офтоб яхши тушадиган, кунгай, енгилтупроқли далаларда экишни эртароқ бошлаб, оғиртупроқли, сернам ерларда эса кечроқ бошлаш мумкин. Лекин, шуни ҳисобга олиш керакки, ҳарбир колхоз ва совхозда чигит экиш жуда қисқа муддатларда — 10 — 12 кунда ўтказилсин ва энг яхши вақтда тугаллансин.

Чигит экиш вақтида ернинг намини сақлаб қолишга, экишнинг сифатига, гектарнинг тўлиқ бўлишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Асосий вазифа — сводка бериш учун экишни расмий жиҳатдан эрта тугаллаш эмас, балки ҳарбир участкада ҳамма экиш ишларини илғор агротехника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда юқори сифатли ўтказишдан, 25 — 30 апрельгача чигитнинг биртекис ва соғлом униб чиқишини та'минлашдан иборатдир.

Квадрат-уялаб чигит экишда яхши натижага эришиш учун режа сими билан квадрат-уялаб чигит экадиган сеялкаларнинг ҳаммасидан унумли фойдаланиш зарур. Квадрат аниқликни яхши кўради. Шунинг учун экиш вақтида қаторларнинг тўғри олинишини та'минлаш, трактрчи ва сеялкачиларнинг иши устидан қатгиқ контроль ўрнатиш керак.

Уруғлик чигитнинг ва тракторлар учун ёнилғининг етарли миқдорда жамғариб қўйилиши, тракторларни чигит экиш вақтида зарур запас қисмлар билан та'минлаб турадиган кўчма устахоналарнинг ишлаб туриши, экиш агрегатида ишловчи ҳарбир кишининг ўз конкрет вазифасини яхши билиб, баракали меҳнат қилиши — чигит экишни муваффақиятли ўтказишнинг ҳал қилучи ва асосий шартларидан биридир.

Экиш вақтида ишнинг муваффақиятини жонли кишилар — бу ишни бевосита бажарувчи колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларнинг мас'улиятини оширади, ички резервлар ва имкониятларни чигит экишни қисқа муддатда юқори сифатли қилиб ўтказишга сафарбар этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Чигит экишни планлаштирганда ҳарбир колхоз ва совхознинг ўзида ҳам экиш муддатларини табақалаштириш керак. Офтоб яхши тушадиган, кунгай, енгилтупроқли далаларда экишни эртароқ бошлаб, оғиртупроқли, сернам ерларда эса кечроқ бошлаш мумкин. Лекин, шуни ҳисобга олиш керакки, ҳарбир колхоз ва совхозда чигит экиш жуда қисқа муддатларда — 10 — 12 кунда ўтказилсин ва энг яхши вақтда тугаллансин.

Чигит экиш вақтида ернинг намини сақлаб қолишга, экишнинг сифатига, гектарнинг тўлиқ бўлишига алоҳида аҳамият бериш лозим. Асосий вазифа — сводка бериш учун экишни расмий жиҳатдан эрта тугаллаш эмас, балки ҳарбир участкада ҳамма экиш ишларини илғор агротехника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда юқори сифатли ўтказишдан, 25 — 30 апрельгача чигитнинг биртекис ва соғлом униб чиқишини та'минлашдан иборатдир.

Квадрат-уялаб чигит экишда яхши натижага эришиш учун режа сими билан квадрат-уялаб чигит экадиган сеялкаларнинг ҳаммасидан унумли фойдаланиш зарур. Квадрат аниқликни яхши кўради. Шунинг учун экиш вақтида қаторларнинг тўғри олинишини та'минлаш, трактрчи ва сеялкачиларнинг иши устидан қатгиқ контроль ўрнатиш керак.

Уруғлик чигитнинг ва тракторлар учун ёнилғининг етарли миқдорда жамғариб қўйилиши, тракторларни чигит экиш вақтида зарур запас қисмлар билан та'минлаб турадиган кўчма устахоналарнинг ишлаб туриши, экиш агрегатида ишловчи ҳарбир кишининг ўз конкрет вазифасини яхши билиб, баракали меҳнат қилиши — чигит экишни муваффақиятли ўтказишнинг ҳал қилучи ва асосий шартларидан биридир.

Экиш вақтида ишнинг муваффақиятини жонли кишилар — бу ишни бевосита бажарувчи колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторлар ҳал қилади. Партия, комсомол ташкилотлари колхозчилар, совхоз ва МТС ходимлари ўртасида оммавий-сиёсий ишларни, социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиб, уларнинг ижодий ташаббус ва активликларини янада оширишлари, кишилар ҳақидаги ғамхўрликни кучайтиришлари лозим.

Чигит экиш сур'атини кунсайин кучайтирайлик! Бутун куч ва модий-техника воситаларини кўкламги экишни қисқа муддатда юқори сифатли ўтказишга сафарбар этайлик!

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ГИ МОЛЛЕ ЖАНОБЛАРИНИНГ Н. А. БУЛГАНИН ТЕЛЕГРАММАСИГА ЖАВОБИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Маршал БУЛГАНИН Жаноб Олийларига

Раис жаноблари, 20 мартда Франция-Тунис Протоколи имзоланганлиги муносабати билан 5 апрельда юборган табригингиз учун, Сиз жаноб Олийларига, ташаккур изҳор қиламан.

Франция Ҳукумати Совет Ҳукуматининг ана шу битимга э'тибор билан қараганлигини қониқиш билан қайд қилади. Бу битим Франция билан Тунисининг бир-бирларига маҳкам боғлиқ бўлган шароитда, бир-бирларига ишонган ҳолда ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантиришларига имкон беради ва уларнинг эркин ҳамда тинч ҳамкорликка биргаликда интилаётганликларини намойиш қилади.

Раис Жаноблари, ғоят юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

ГИ МОЛЛЕ.

А. И. Микоян Москвага қайтиб келди

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари Осиё мамлакатларига қилган сафардан кейин 10 апрельда Москвага қайтиб келдилар. (ТАСС).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЗБЕКИСТОН ССР ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш ташкилотларини йириклаштириш ва уларга раҳбарликни яхшилаш мақсадида Узбекистон ССР Иттифоқ-республика Қурилиш Министрлиги тузилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 7 апрель. Тошкент шаҳри.

1 МАЙНИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР БЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

☆

Фидокорона меҳнат қилмоқдалар

Янгийўл пахта тозалаш заводининг ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1 Майни муносиб совға блан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Корхонада маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишлабчиқариш технологияси такомиллаштирилаётир. Тола ажратучи 80 арра ўрнига 100 арра ўрнатиш юзасидан иш олиб борилаётир.

Коллектив биринчи квартал планини муддатидан 5 кун илгари бажарди. Бу вақт ичида пландан ташқари 500 тонна пахта толаси берилди. Бу соҳада ўртоқ Раҳимбоев бошлиқ бригада олдинга бориб, ўтган ой планини 105 процентга етказиб бажарди.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Маҳсулот таннархи камаймоқда

Тошкентдаги 16-нчи нон заводининг коллективи майдони социалистик мусобақасини кучайтириб, меҳнат унумдорлигини тобора оширмоқда. Натижада ўтган ой плани муддатидан илгари бажарилиб, планга қўшимча равишда 104 минг 800 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхонанинг Муротов, Ҳакимов, Абдукаримова ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада ишчилари ҳардоим сифатли маҳсулот бериш блан смена топшириғини 120—130 процентга етказиб бажараётирлар. Нон ёпучи Мусаева, Шокирова, Мордовина, нон ясовчилардан Мансурхўжаева, Панфилович ва Тўрахўжаева ўртоқлар социалистик мусобақа илғорлари бўлиб, ўтган ой планини муддатидан илгари бажардилар.

Завод коллективи ишлабчиқаришдаги барча имкониятлардан кенг фойдаланган туфайли йил бошидан бери 10 минг сўмлик ёқилғи ҳамда бошқа хил хомашё тежади ва шулар ҳисобига маҳсулот таннархини 1,5 процент камайтирди.

Б. ИМОМОВ.

МУНОСИБ СОВҒА

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри ижодий коллективи халқаро байрам — 1 Майни муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Театр коллективи тамошабинларга муносиб совға тақдим этиш мақсадида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Паранжи сирларидан бир лавҳа» асари асосида яратилган «Холисхон»нинг К. Яшин ва Ш. Ма'зумова томонидан қайта ишланган янги вариантини саҳналаштириш устида (режиссёр—республика халқ артисти Ш. Ма'зумова, рассом—Узбекистон ССР халқ рассоми Ҳ. Икромов) ижодий иш олиб бораётир.

Спектаклдаги асосий рольларни республика халқ артисти М. Ёқубова (Мастура сатанг), артистлардан Я. Абдуллаева (Холисхон), Н. Қосимов (Рустамбек) ва бошқалар ижро этадилар.

Электростанциялар учун

Чирчиқдаги «Электрошчит» заводи Урта Осиё ва Уролдаги, мамлакатимизнинг марказий районларидаги ва Сибирьдаги мавжуд ҳамда янги қурилаётган гидро ва ёқилғи электростанциялари учун турли хил асбоб-ускуналар етказиб беради. Март ойининг ўзида олтинчи бешйилликнинг гигант қурилиши—Братский ГЭСга «ИКТП» маркали 13 та кўчма подстанция, 14 та трансформатор ва бирнеча ўнлаб тақсимлов шчитлари юборилди. Шунингдек ўтган ойда «Электрошчит» маркаси блан Семферополь, Новосибирск Горький ва Оҳангарон электростанциялари кўпгина электр аппаратураси ва турли ускуналар олдилар.

Электростанциялар заказларини тез ва кўнгилдагидек қилиб бажаришда барча ишчи ва мастерлар, инженер ва техник ходимлар актив ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Заводнинг монтаж-йиғув цехи коммутациячиси ўртоқ Волков электрошчитларни узловой метод асосида монтаж қилиш мумкин эканлигини амалда исботлади. Натижада ҳарбир электрошчитнинг таннархи 30 сўм миқдорида камайтирилди.

Трансформатор цехи комсомол- ёшлар бригадасининг бошлиғи Азиз Иброхимов трансформаторлар схемасини яхшилади. Шунингдек, у, трансформатор қисмларини болт ўрнига фосфорли мис блан контакт сварка воситасида бирлаштиришни таклиф қилди. Бу, рационализаторлик таклифларининг ишлабчиқаришга жорий этилиши натижасида анчагина метиз тежаладиган бўлди, маҳсулот сифати яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ошди.

Яқинда электрошчитчилар коллективи Братский, Каховка, Қайроққум ва бошқа бирнеча гидроэлектростанциялардан янги заказлар олди. Шу кунларда корхонанинг ҳамма цех ва участкаларида ана шу заказларни тез ва сифатли қилиб бажариш учун майдони социалистик мусобақаси тобора авж олдирилмоқда.

Т. ВЛАДИМИРОВ.

Энергетиклар ютуғи

Фарҳод ГЭСининг энергетиклари йил бошидан бери ишлабчиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу ерда давлат олиш планлари оширилиб бажарилмоқда. Энергетиклар февраль ойида қўлга киритган муваффақиятлари учун шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлган эдилар. Улар март ойида бу ютуқларни мустаҳкамлаб, янада юқори кўрсаткичларга эришдилар. Март ойи ва I квартал плани муддатидан илгари бажарилиб, қўшимча равишда 10 миллионларча киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилди.

Ўзаро мусобақада инженер ўртоқ Гохштейн раҳбарлигидаги смена а'золари олдинда бормоқдалар. Улар агрегат ва турбиналарнинг узоқ муддат бешикаст ишлашини та'минлаб, электр қуввати ҳосил қилиш сур'атини тобора оширмоқдалар. Шунингдек мастер Тўхтаров, навбатчи электротехник Назаров, навбатчи Кожевникова ўртоқлар ҳам намунали меҳнат қилмоқдалар.

Халқаро ишчиларнинг бирдамлик куни — 1 Майни янги-янги ғалабалар блан кутиб олиш учун курашаётган ГЭС коллективи 4 ойлик топшириқни 21 апрельгача бажариш мажбуриятини олди.

И. САТТОРОВ.

Қўзилатиш илғорлари

Ўртачирчиқ районидаги Максим Горький номли колхоз чўпонлари майдони социалистик мусобақасини кучайтириб, қўзилатиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрдилар. Совлиқларни қиш даврида асраш ва боқиш шароити ҳар йилгидан ҳам яхши уюштирилиб, улар ёнғингарчилик ва совуқ кунларда, шунингдек қор босган даврларда иссиқ қўраларда асралди ва тўйдириб боқилди. Натижада совлиқлар ўртасида шамоллаш ва бошқа касалликлар тарқалмади, бironта совлиқ ҳам қўзисини ташлаб қўйиш ҳоллари рўй бермади.

Шу кунларда колхоз чўпонлари қўзилатиш ва қўзиларни сақлаб қолиш ишларини уюшқоқлик блан давом эттирмоқдалар. Бу эса уларнинг ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи олиш тўғрисидаги мажбуриятларининг реал эканлигини кўрсатаётир. Масалан, илғор чўпонлардан ўртоқ Абил Ғаниев ўзига қарашли 230 совлиқнинг ҳозиргача юз бошидан 110 тадан қўзи олди. У қолган совлиқларни ҳам омон-эсон қўзилатиб олиб, ўз мажбуриятини шараф блан бажариш учун курашмоқда.

Умуман олганда чўпонлар ўзларига бириктирилган минг бош совлиқдан 1150 қўзи ва 650 эчкидан 750 улоқ олиш учун курашмоқдалар.

Т.Йўлдошев,
Б. Режаев.

* * *

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг чўпонлари совлиқларни қўзилатиб олишга пухта тайёргарлик блан киришдилар. Улар дастлаб, қишнинг охири ва март ойи давомида бўғоз совлиқларни асраш ва боқиш шароитини яхшиладилар, совлиқлар мунтазам равишда ветеринария ва зоотехника кўригидан ўтказилиб, соғлиғи, семизлиги аниқланиб турилади.

Чўпонлар совлиқларнинг туғиш муддатини аниқлаб, уларни группаларга ажратиб, алоҳида парвариш қилмоқдалар. Колхоз чўпонлари қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ва ҳар юз совлиқдан 115 тадан қўзи олиш учун мусобақалашмоқдалар.

Қ. Қурбонбоев.

Ойна ишлаб чиқариш кўпаймоқда

Чирчиқ ойна заводининг коллективи фидокорона меҳнат қилиб, ҳар куни бирнеча минг квадрат метр ойнани турли жойларга жўнатмоқда. Ойнасозлар ўтган ойнинг ўзида Самарқанд, Қўқон ва Тошкент шаҳарлари ва областьдаги қурилишларга пландан ортиқча бирнеча ўн минг квадрат метр ойна жўнатдилар.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишнинг бир ме'ёрда бориши, механизмларнинг тўла қувват блан ишлашига катта э'тибор берилаётир. Мастерлардан Рябов, Бабахин, ойна эритучи Дмитриев, ойна қирқучи Григорьев ўртоқлар 1 Май шарафига одган мажбуриятларини оширир бажариш блан бирга нуқул а'ло сифатли маҳсулот бермоқдалар.

Состав тайёрлаш цехининг ишчилари механизмлар қувватидан тўла фойдаланаётганликлари туфайли ўтган ойнинг ўзида бирнеча ўн тонна хомаш'ени тежадилар.

Т. ФЗАЛОВ.

Пландан ортиқча 500 минг сўмлик маҳсулот

Тошкентдаги «Октябрь 20 йиллиги» артелининг коллективи майдони социалистик мусобақасини кучайтириб, аҳолига кийим-кечак ишлабчиқаришда яхши натижаларга эришмоқда.

Артель цехларидаги айрим иш процесслари такомиллаштирилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш сифати яхшиланаётир. Яқинда тикув машиналари механизациялаштириди. Натижада меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Артель коллективи биринчи квартал планини муддатидан 7 кун илгари бажариб, планга қўшимча равишда 500 минг сўмлик маҳсулот берди.

Социалистик мусобақада ғолиб чиқаётган артель а'золаридан Жўраева, Гусейнина, Михайлова, Исамуҳамедова, Каримова ўртоқлар смена нормаларини ҳардоим 2—2,5 ҳиссага етказиб бажараётирлар. Ҳозир бу илғорлар июнь ойи ҳисобига маҳсулот бераётирлар.

О. САЙДАМИНОВ.

МАЙОЛДИ САВДОСИ


Тошкент шаҳар ижроия комитетининг савдо бошқармаси шаҳардаги саноат маҳсулотлари сотучи магазинларда ёзги мавсумга оид байрамолди савдосини яхшилаш мақсадида бирқанча амалий тадбирларни белгилаб чиқди.

Саноат товарлари сотучи магазинларда 1 Май байрамигача катталар ва болалар учун ёз мавсумига оид 600 минг сўмлик бош-кийим ва 90 минг жуфт пойафзал сотилади.

Шунингдек аҳоли учун жуда кўп миқдорда шерсть ва бошқа хил материаллардан тикилган эрлар ва аёлларнинг тайёр костюмлари, шойи сорочкалар, болалар кўйлаклари, капрон ва ипак пайпоқлар, носилар сотилади. Айниқса шу кунларда пахол шляпалар магазинларга кўплаб чиқарилмоқда. Булардан ташқари жуда кўп миқдорда трикотаж моллари сотилади.

ҚУЮЧИЛАРГА ЯНГИ МАШИНА







Яқинда Одесса шаҳрига «Ионния» пароходида Франция, Бельгия ва бошқа мамлакатлар туристларининг катта бир группаси келди. 230 кишидан иборат группа составида юристлар, врачлар, журналистлар, хизматчилар ва бошқа хил тоифа вакиллари бор. Улар шаҳарнинг э'тиборга сазовор жойлари блан танишмоқдалар. Суратда: француз туристлари Одесса давлат академик опера ва балет театри биноси олдида.

Москвадаги «Красная Пресня» заводи коллективи яқинда узлуксиз ишлайдиган карусель кокиль машинасининг дастлабки намунасини тайёрлади. Қуюв машинасозлиги ва қуюв технологияси давлат илмий текшириш институтининг конструкторлари томонидан проекти ишланган бу машина ташқи кўриниши жиҳатидан катта осма қайиққа ўхшайди. Секин айланиш давомида у металл форма—кокильларни қуючи ковш тагига қўйиб туради. Ковшдан эритма формага қўйилгач, тайёр деталь машинадан автоматик суратда тушириб олинади. Форма эса яна қуйиш участкасига томон йўналтирилади.

Бу машина воситаси блан кокильларни вертикаль жойлаштириш йўли блан шу пайтгача металл формаларга қуйиш мумкин бўлмаган детальларни ҳам қуйиш имконияти бор. Машина автоматик равишда бошқарилади. Агрегат бир сменада ҳарбири 50 килограммлик қуйилмадан 1920 дона қуяолади.

Бу янги машина қуючилар меҳнатини кескин даражада енгиллаштиради, қуйилма ишлабчиқаришда меҳнат унумдорлигини анча оширади. Суратда: янги карусель кокиль машина завод стендида.

Астрахань. С. М. Киров номидаги Астрахань кемасозлик корхонаси коллективи балиқчилар учун янги типдаги мукаммал кемаларни ишлабчиқаришни кўпайтириш юзасидан катта ишлар қилмоқда. Корхонада бу йил янги типдаги ўзи юрадиган қабул қилиш-транспорт кемаси ишлабчиқарилмоқда. Суратда: йигучилар бригадасининг бошлиғи (чапдан) А. Т. Каршин, участка мастери А. П. Аров ва йигучи А. А. Булгаков қабул қилиш-транспорт кемаси корпусини кўздан кечирмоқдалар.

А. Лесс, Н. Раҳмонов ва М. Редькин фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

Комсомол Марказий Комитетининг V пленуми

Шу йил 5 — 6 апрельда Комсомол Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумнинг ишларида область, ўлка комсомол комитетларининг, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг секретарлари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотидаги комсомол ходимлари қатнашдилар. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорлари муносабати билан комсомол ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ А. Н. Шелепин шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленум қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорларини ғоят баланд руҳ ва яқдиллик билан ма'қулладилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми комсомол ташкилотлари КПСС XX с'ездининг материалларини ёшларга кенг тушунтиришни та'минлашни топширди. Комсомол ташкилотлари совет ёшларини Коммунистик партия теварагига янада маҳкам жипслаштиришлари, ёш ватанпарварларнинг кучларини КПСС XX с'езди томонидан илгари сурилган тарихий вазифаларни бажариш учун курашга сафарбар қилишлари керак.

Пленум шуни та'кидлаб кўрсатдики, партия с'езди ёш авлодни тарбиялашга катта э'тибор берди. Бу эса комсомол ташкилотларига комсомолларни ва ёшларни хўжалик ҳамда маданий қурилишга янада активроқ жалб этиш, ёшлар ўртасидаги тарбия ишларини яхшилаш вазифасини юклайди.

Пленум партия с'ездида комсомолнинг ишлари жуда тўғри таңқид қилинди, деб топди. Комсомол ташкилотларининг фаолиятида, хусусан уларнинг ғоявий-тарбиявий ишларида жиддий камчиликлар бор. Комсомол ташкилотлари кўпинча ёшларни амалий ишга жалб этаолмаётирлар, жонли ташкилотчилик ишлари ўрнига резолюциялар чиқариш, дабдабабозлик ва шовқин-сурон кўтариш билан овора бўладилар. Бу камчиликлар ва бошқа нуқсонлар комсомолнинг фаолиятига салбий та'сир кўрсатмоқда.

Пленум комсомол ташкилотларини ўз куч-ғайратларини ана шу камчиликларни қат'ий суратда йўқотиш учун сафарбар қилишга чақирди. Комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — ҳарбир корхона ва ҳарбир қурилишнинг олтинчи бешйиллик планини ва биринчи галда 1956 йил топшириқларини муваффақиятли бажариши учун курашда ишчи ёшларнинг ва ёш инженер-техникларнинг ижодий ташаббусига ҳамда активлигига бошчилик қилишдан иборат.

Пленум Братск гидроэлектростанцияси ва атом электростанцияларн қурилиши халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини э'тиборга олиб, ана шу об'ектлар қурилиши комсомол оталигига олинади деб э'лон қилди.

Пленум Украина комсомол ташкилотларига янги шахталар қурилишида, Кременчуг ва Днепродзержинск гидроэлектростанциялари, Шимолий Донец—Донбасс канали қурилишида актив қатнашишни, қозоғистон комсомол ташкилотларига Темиртов шаҳридаги металлургия заводи ва Соколово — Сарбай бойитиш комбинати қурилишида, Ўзбекистон комсомол ташкилотларига Мирзачўлни ўзлаштиришда, Грузия, Арманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон комсомол ташкилотларига янги электростанциялар қурилишида актив қатнашишни тавсия этди.

Пленум қишлоқ ёшларини барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга қунт билан киришишга, қўриқ ва бўз ерларни бундан буён ҳам ўзлаштиришда, маккажўҳори етиштиришда янада активроқ қатнашишга чақирди.

Олтинчи бешйиллик планнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳақидаги топшириқларини бир-икки йил мобайнида бажарши йўлидаги ватанпарварлик ҳаракатида актив қатнашиш — қишлоқлардаги барча ёшларнинг шарафли ишидир. Пленум Воронеж область комсомол ташкилотининг ташаббусини ма'қуллади ва чўчқачиликни ривожлантиришга зўр ғайрат билан киришишни қишлоқ комсомолининг конкрет ва жанговар вазифаси қилиб илгари сурди.

Комсомол ташкилотлари боғ очишга киришишлари,1956—1957 йилларда мактаблар, болалар уйлари, пионерлар уйлари ҳузурида дарахт ўтказиб боғ очишга эришишлари, кўкламда ва кузда Боғчачилик ҳафтаси ўтказишлари лозим.

Пленум йигит ва қизларни давлат, колхоз ва совхоз иҳота дарахтзорларини барпо қилишида ва сойларда, жарларда йўллар ва дала шийпонлари атрофида, қишлоқлар ҳамда ишчи поселкаларида кўчат ўтказишда актив қатнашишга, кўчат ўтказиш ишларини оталикка олишга чақирди.

Пленум ВЛКСМ Марказий Комитети бюросита, ЛКСМ Марказий комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район комсомол комитетларига ва бошланғич комсомол ташкилотларига ёшлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш соҳасидаги ишларни қатиян яхшилаш, мажбуриятларни бажаришга мас'улиятсизлик билан қарашни йўқотиш вазифасини юклади. Ишлабчиқаришдаги илғор тажрибаларни сабот билан ёйиш ва жорий қилиш — мусобақадаги асосий иш бўлиши керак.

Ёш ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг, ўқувчи ёшларнинг моддий ва маданий турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш — комсомол ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Пленум КПСС XX с'ездининг совет мактабини янада юксалтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, район, шаҳар, область, ўлка комсомол комитетларига, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларига умумий ўрта та'лимни амалга оширишда, политехника та'лимини ривожлантиришда, ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишлари учун курашда, ўқишни ҳаёт билан маҳкам боғлаб олиб боришни та'минлашда, янги мактаб биноларини қуришда, мактаб — интернатларни вужудга келтиришда халқ маорифи органларига бутун чоралар билан ёрдам бериш вазифасини юклади.

Комсомол ташкилотлари шунга эришмоқлари керакки, меҳнат асосида тарбиялаш — пионер ва мактаб ўқувчилари ўртасида олиб бориладиган ҳамма ишларда биринчи ўринда турсин. Ўқувчиларни корхона, колхоз ва совхозларда, тажриба участкаларида ва мактаб мастерскойларида ўз қўлларидан келадиган фойдали — ижтимоий ишларга актив суратда жалб этиш, ёш техникларнинг слётларини, энг яхши модель ишлаш конкурсларини ўтказиб туриш, ўқувчиларга ички ёниш двигателини ўргатиш соҳасидаги ишларни қатиян яхшилаш, мажбуриятларни бажаришга мас'улиятсизлик билан қарашни йўқотиш вазифасини юклади. Ишлабчиқаришдаги илғор тажрибаларни сабот билан ёйиш ва жорий қилиш — мусобақадаги асосий иш бўлиши керак.

Ёш ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг, ўқувчи ёшларнинг моддий ва маданий турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш — комсомол ташкилотларининг бевосита бурчидир.

Пленум КПСС XX с'ездининг совет мактабини янада юксалтириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, район, шаҳар, область, ўлка комсомол комитетларига, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларига умумий ўрта та'лимни амалга оширишда, политехника та'лимини ривожлантиришда, ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишлари учун курашда, ўқишни ҳаёт билан маҳкам боғлаб олиб боришни та'минлашда, янги мактаб биноларини қуришда, мактаб — интернатларни вужудга келтиришда халқ маорифи органларига бутун чоралар билан ёрдам бериш вазифасини юклади.

Комсомол ташкилотлари шунга эришмоқлари керакки, меҳнат асосида тарбиялаш — пионер ва мактаб ўқувчилари ўртасида олиб бориладиган ҳамма ишларда партия XX с'ездининг шаҳсга сингишининг зарарли эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиш вазифасини юклади.

Комсомол ташкилотлари комсомод ва ёшларни сиёсий жиҳатдан ма'рифатли қилиш соҳасидаги ишларга етарли баҳо бермасликка чек қўйишлари, комсомол ва ёшларни марксча-ленинча назарияни, сиёсий иқтисодни ва конкрет экономикани ўрганишга кенг жалб қилишлари, комсомол ва ёшларнинг В. И. Ленин ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганишларини кенг ташкил этишлари керак.

Пленум комсомол ташкилотларига буржуа идеологиясининг кўринишларига қарши, капитализмнинг сарқитларига ва хусусан хулиганлик ва ичкиликбозлик каби ярамас ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш, ёшларнинг дам олишини уюштириш тўғрисида кўпроқ тамхўрлик қилиш вазифасини юклади.

Пленум комсомол ташкилотларининг ташаббускорлигини, комсомол ишларининг барча звеноларида ташаббускорликни бутун чоралар билан ривожлантириш, комсомол комитетларининг ишига активларни кенг жалб этиш зарур деб кўрсатди. ВЛКСМ ҳарбир а'зосининг ўз ташкилотининг ҳаёти ва ишларида актив иштирок қилишига эришиш керак.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча Марказий Комитетини ишонтириб айтики, комсомол мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда бундан буён ҳам Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлиб қолади.

ВЛКСМ Марказий Комитети пленуми «Ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган VI жаҳон фестивалига тайёргарлик кўриш ва бу фестивални ўтказиш муносабати билан комсомол ташкилотларининг иши тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ А. А. Рапохин шу ҳақда доклад қилди.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг қарорига мувофиқ 1957 йил 28 июлдан 11 августгача Ватанимизнинг пойтахти Москвада ёшлар ҳамда студентларнинг тинчлик ва дўстлик учун VI жаҳон фестивали ўтказилади. Бу фестиваль барча мамлакатларда тинчлик учун ҳамда порлоқ истиқбол учун курашаётган ёш авлоднинг шодлик байрами бўлади.

Москвада ўтказиладиган фестиваль совет ёшларининг бошқа мамлакатлардаги ёшлар билан дўстона алоқаларини янада кенгайтириш учун, бутун дун'ёдаги йигит ва қизлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун янги ва кенг имкониятлар очиб беради.

Пленум Москвада ёшлар ва студентлар Жаҳон фестивалининг ўтказилиши Совет ёшлари зиммасига, комсомол зиммасига катта вазифалар ва гоят жиддий жавобгарликни юклайди, деб уқтириб ўтди. Комсомол ташкилотлари фестивальга тайёргарликни ёшлар ўртасидаги бутун тарбия ишларини кучайтириш билан, меҳнат соҳасидаги янги муваффақиятлар билан нишонлашлари керак.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми шу масала юзасидан Совет Иттифоқининг йигит ва қизларига қарата Мурожаат қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети пленуми ташкилий масалаларни ҳам кўриб.



Бўка район аптекаси колхозларга яхши хизмат қилиб, медпунктларни дори-дармонлар билан та'минлаб келмоқда. Суратда: аптека ходими С. Фаттохова колхоз медпунктларига юбориладиган дориларни тайёрламоқда.

Р. Шарипов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Илмий-техника конференцияси

Яқинда Тошкент тўқимачилик институти профессор ва ўқитувчиларининг илмий-техника конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда 1955 йилда институт кафедраларининг ишлабчиқариш билан ҳамкорликда олиб борган илмий-текшириш ишларига якун ясалди.

Биринчи яллиқ мажлисда техника фанлари кандидати доцент Г. Л. Иоффенинг «КПСС XX с'ездининг фан олдига қўйган вазифалари» ва Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министрининг ўринбосари А. В. Шчербаковнинг «Олтинчи бешйилликда тўқимачилик саноатининг ривожланиши» ҳақидаги докладлари тингланди. Кейинги икки кунда ижтимоий, умуминженерлик, махсус-мутахассислик фанлари секцияларининг мажлислари бўлиб, турли темадаги докладлар эшитилди.

Техника фанлари кандидатлари Ғ. Жабборов ва С. Болтабоевларнинг Қорасув районидаги пахта қуритиш ва тозалаш цехининг ишини ишлабчиқариш процессида текшириб кўриш натижалари ҳақидаги докладлари, Х. Усмонхўжаевнинг ЧГСП маркали тўқув станоги автомат механизмидаги айрим детальларнинг оғирлигини камайтириш, В. Васильченконинг тўқув станогида тўқимани олишда арқоқ ипини махсус тиғ ёрдами билан суриб бериш тўғрисидаги ма'лумотлари конференция қатнашчилари диққатига сазовор бўлди.

Конференцияда, институт илмий коллективидан ташқари, саноат корхоналари вакилларининг докладлари ҳам эшитилди. Булар орасида айниқса Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженери Н. Гусеванинг комбинат 2-нчи йигирув-тўқув фабрикасида батат крахмалидан танда (основа) ипини охлаш учун қўлланиш ҳақидаги доклади эътибор қозонди.

Конференция секцияларида ҳаммаси бўлиб 40 дан ортиқ лекция ҳамда доклад эшитилди ва муҳокама қилинди. Шу билан бирга, 1956 йилда олиб бориладиган илмий-текшириш ишларининг муваффақиятли бажарилишини та'миловчи амалий тадбирлар белгиланди.

К. ТАБИБОВ.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми Ўртоқ Павел Павлович Лобанов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди.

СССР Олий Совети Президиуми Ўртоқ Владимир Владимирович Мацкевични СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлади.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети Ўртоқ Трофим Денисович Лисенконинг В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Президентлиги вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Президенти қилиб Ўртоқ Павел Павлович Лобанов тасдиқланди.

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида

Хинди-Хитой ҳақидаги Женева кенгаши икки раисининг учрашуви масаласи юзасидан Ташқи Ишлар Министрлигининг 6 апрельда совет матбуотида э'лон қилинган нотаси муносабати билан Буюк Британия Ҳукумати Совет Ҳукуматининг яқин кунлар ичида шундай учрашув тўғрисидаги таклифини қабул қилганлигини билдирди, Буюк Британия Ҳукумати Женева кенгашининг раисларидан бири бўлган Буюк Британия Ташқи Ишлар Министри номидан музокараларда қатнашиш учун ташқи ишлар бўйича Давлат Министри лорд Рединги вакил қилиб тайинлади.

А. А. Громико билан лорд Рединг ўртасидаги биринчи учрашув 11 апрельга мўлжалланди.

Ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш масалалари юзасидан республика кенгаши

Тошкентда ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш масалалари юзасидан республика кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашни Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги чақирган эди. Кенгашда ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий ходимлар, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Докладчи Ўзбекистон ССР маориф министри Ўртоқ Қодиров ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирдилар, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ана шу муҳим соҳасидаги ишларнинг қандай аҳволда эканлигини ҳартомонлама анализ қилдилар. Кейинги йилларда республикадаги халқ маорифи органлари ва илмий муассасаларнинг тил ўрганиш сифатини яхшилаш учун кўп иш қилганликлари та'кидланди. 1955 йилнинг бир ўзидагина неча ўнлаб янги дарслик 710 минг нусха нашр этилди, кўп миқдорда методик ва кўргазмали қўлланмалар ҳам босиб чиқарилди. Беш йил ичида республикадаги шаҳар ва районларга тўрт миллион нусхадан ортиқ бадиий адабиёт юборилди. Бу китоблар рус тилини ўрганучи болалар учун махсус нашр этилди. Юқори малакали тилшунос педагоглар сони кўпайди, ўқитувчиларга методик ёрдам кучайтирилди.

Кенгаш қатнашчилари ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, айрим педагогларнинг мохирлик билан ишлаётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар, болаларнинг яхши ўқиши учун чинакам кураш олиб борилаётганлигига доир фактларни келтирдилар.

Наманган шаҳридаги 15-нчи мактабнинг ўқитувчиларидан Зайцева ва Кличевская ўртоқлар меҳр-муҳаббат билан ишламоқдалар. Улар дарс бериш билан бир қаторда синфдан ташқарида олиб бориладиган ишларнинг турли формалари ва методларидан ҳам фойдаланмоқдалар, ўқувчиларнинг ҳосил қилган билимларини практикада қўлланишлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўқувчилар педагогларнинг ёрдами билан рус тилида деворий газета чиқарабошладилар. Бу газета она тилидаги деворий газета билан айни бир вақтда чиқиб турибди. Рус тилида ёзилган материаллар мактаб радио узели орқали мунтазам суратда эшитдирилмоқда. Ўқувчилар лекцияси болалар ўртасида кенг оммалаштирилди. Лекцияда яхши тайёрланган ўқувчилар ёзучи ва шоирларнинг ижоди тўғрисида рус тилида ёзилган докладларни ўқиб берадилар. Ана шу ишлар натижасида 15-нчи мактаб ўқувчиларининг кўпи рус тилидан яхши ва а'ло баҳо олди.

Кенгаш қатнашчилари ана шу ва бошқа ижобий мисолларни келтириш билан бирга ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш сифати КПСС XX с'ездининг қарорларидан келиб чиқадиган юксак талабларга ҳали тўлиқ жавоб бермаётир деб, кўрсатдилар. Кўп ҳолларда рус тили дарслари паст савияда ўтказилмоқда, рус тилини ўрганиш айрим сўз ва жумлаларни ёддан олишдан иборат қилиб қўйилмоқда. Бундай аҳвол, жумладан, Қашқадарё ва Хоразм областларида, Қорақалпоғистон АССРда рўй бермоқда. Ба'зи мактабларда рус тилидан дарс бериш учун етарли даражада малакаси бўлган мутахассислар таналб олинган эмас.

Термиз мактабининг ўқитучиси Ўртоқ Гусакова, ўрта Осиё давлат университетининг старший ўқитучиси Ўртоқ Стенман, Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирининг ўқитучиси Ўртоқ Мавлонхўжаев ва бошқа кўп ўқитучилар ўзбек мактабларида рус тилини ўқитиш программасини яхшилаш зарурлигини айтдилар. Ҳозирги вақтда тўртинчи ва бешинчи синфлар учун, шунингдек ундан юқорироқ синфлар учун программада кўрсатилган материалларда етарли даражада боғланиш йўқ, грамматика қоидаларини ўрганиш адабий текстларни ўқиш билан ба'зан боғлаб олиб борилмайди. Юқори синфларда амалий машғулотлар учун вақт кам ажратилади.

Педагогика фанлари кандидатлари Ўртоқ Чиннова, Тошкентдаги Низомий номли педагогика институти директорининг ўринбосари Ўртоқ Умаров, Қорақалпоғистон педагогика институти рус тили кафедрасининг мудири Ўртоқ Артюхова ва кенгашнинг бошқа қатнашчилари ўз сўзларида педагогика кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш масаласини кўтардилар.

Республика педагогика фанлари институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги тил ва адабиёт институтининг ишларидаги камчиликлар қаттиқ таңқид қилинди. Бу институтлар Ўзбек мактабларида рус тилидан дарс бериш соҳасидаги илмий-текшириш ишлари билан кам шуғулланмоқдалар. Рус ва Ўзбек тилларининг солиштирма грамматикаси шу вақтгача вужудга келтирилган эмас, тил дарси методикаси суст ишлаб чиқилмоқда.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбек мактабларида рус тилини ўқитишни янада яхшилашга қаратилган кўп таклифларни киритдилар. (ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

Маҳсулот таннархини камайтириш— муҳим халқ хўжалик вазифасидир

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директиваларида ҳарбир корхонада давлат планлари барча кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажарилишига, меҳнат унумдорлигини тинмай оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга, қаттиқ иқтисодий тежашга, тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳарбир единицасига сарф қилинадиган меҳнатни доимо камайтиришга партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг алоҳида э'тибор беришлари кўрсатиб ўтилган. Социалистик экономиканинг барча соҳаларида маҳсулот таннархини камайтириш унинг тараққиётидаги об'ектив зарурият, маҳсулот таннархини камайтириш иқтимоий ва жонли меҳнатни иқтисод қилиш демакдир. Маҳсулот таннархини камайтириш иқтимоий бойликни кўпайтиришнинг муҳим омилидир.

Ма'лумки, халқ хўжалигини янада тараққий эттириш учун сарфланадиган маблағлар саноат корхоналари ва хўжалик органларининг фойдалари ҳамда жамғармалари ҳисобига тўпланади. Корхоналар жамғармалари ҳажми давлат планларининг белгиланган номенклатура ва ассортимент бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилишига, янги техниканы жорий қилиш ва барча техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига, шу жумладан, корхоналарда маҳсулот таннархини камайтириш бўйича планнинг бажарилишига ва қаттиқ иқтисодий тежашнинг амалга оширилишига боғлиқдир. Шуни эсда тутиш керакки, социалистик ишлабчиқаришнинг ҳозирги жуда кенг масштаби шароитида тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳарбир единицасига сарфланадиган ҳомаш'ёлари озгина бўлса ҳам тежаш, бу — бутун мамлакат бўйича миллионларча сўмни тежаш демакдир. Масалан, 1955 йилда саноат маҳсулоти таннархини 1 процентга камайтириш 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этган. Ана шу ҳисолдан кўриниб турибдики, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни сўзсиз бажариш учун қураш мамлакат халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

СССРнинг асосий иқтисодий вазифаси амалга оширилаётган ҳозирги кунда маҳсулот таннархини систематик равишда камайтириб бориш айниқса муҳимдир. Олтинчи бешйиллик планнинг амалга оширилиши ўз навбатида миллиард сўмлаб маблағларни талаб қилади. Партия XX с'ездининг Директиваларида олтинчи бешйиллик мобайнида саноат маҳсулотн, темир йўлларда юк ташиш таннархини ҳамда давлат ва кооператив савдосидаги муомала чиқимларни камида 17 процент камайтириш кўзда тутилади. Беш йил мобайнида ишлабчиқариш ва муомала харажатларини камайтириш ҳисобига 500 миллиард сўмга яқин маблағ тежалиши керак. Бу маблағ давлатнинг олтинчи бешйилликда капитал қурилишлар учун сарфлайдиган ҳамма харажатларининг ярмидан кўпрогини ташкил этади.

Корхоналарда маҳсулот таннархини камайтиришнинг жуда кўп ва турлича формалари бор. Шу билан бирга, барча корхоналар, саноатнинг ҳамма соҳалари учун умумий бўлган маҳсулот таннархини камайтириш йўллари бордир. Булар ичида энг муҳими меҳнат унумдорлигини тобора оширш, маҳсулотнинг ҳарбир единицасига сарфланаётган хомаш'ё, материал ва электр қувватини камайтириш, ма'мурий-бошқарув аппаратлари ва шунга ўхшашлар учун бўладиган харажатларни камайтиришдир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот таннархини камайтириш ва корхоналарнинг рентабель ишлашини та'минлашда энг муҳим шарт. Меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида маҳсулот единицасига сарфланадиган меҳнат ва маҳсулот таннархидаги иш ҳақи қисми камаяди. Шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш иқтимоий меҳнатни тежаш демакдир. Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот таннархига кирадиган харажатларни камайтириш имкониятини беради.

Ўрушдан кейинги йиллар мобайнида саноатимиздаги ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги қарийб 2,3 баравар, қурилиш ва темир йўл транспортида 2 баравар ошди. Бешинчи бешйиллик йилларида саноат маҳсулоти ўсишининг учдан икки қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Янги техниканы жорий қилиш, технология процессларини такомиллаштириш, ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ишлабчиқариш малакасини ошириш ҳисобига ўтган бешйиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги 29 процент ортди.

Областимиздаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларнинг коллективлари меҳнат унумдорлигини ҳамма чоралар билан ошириш ва шу асосда тайёрланаётган маҳсулот таннархини тобора камайтираборш соҳасида бирмунча ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу соҳада Тошкент электролампа заводининг коллективи айниқса яхши натижаларга эришди. Коллектив техниканы янада тараққий эттириш мақсадида тайёрланаётган маҳсулотларни йиғишни конвейер усулига кўчирди, цехларнинг ишлабчиқариш майдонларига асбоб-ускуналарни рационал жойлаштирди, эскириб қолган ускуналарни янгилари билан алмаштирди, технология процессларини такомиллаштирди. Натижада станоклар паркидан фойдаланиш коэффициенти ошди. Завод коллективи ўтган бешйиллик мобайнида маҳсулот ишлабчиқаришни 3,5 баравар кўпайтирди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 2 баравардан ҳам ошди.

Областимиз пахта тозалаш саноатининг коллективи ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Чиноз пахта тозалаш заводида 160 аррали момиқ ажратучи агрегат ўрнатилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 3 баравар ошди. Шунингдек Мирзачўл, Чиноз, Бекобод ва Далварзин пахта тозалаш заводларида ҳам янги техникани жорий қилиш натижасида меҳнат унумдорлиги анча ошди.

Пахта тозалаш саноатидаги айрим ютуқларни қайд қилиш билан бирга, бу соҳадаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Аввало шуни айтиш керакки, областьдаги пахта тозалаш корхоналарида пахта толаси олиш бирнеча йиллар мобайнида бирхил даражада қолиб келмоқда, тола ажратиш машиналарининг меҳнат унумдорлиги жуда секинлик билан ошмоқда, момиқ ажратиш кўрсаткичлари паст. Ваҳоланки, республикамизда пахта толаси чиқаришни ақалли ярим процент ошириш ҳисобига қўшимча равишда 150 миллион метр газмол ишлаб чиқариш мумкин.

Бир қатор корхоналарда, жумладан Боёвут ва Оққўрғон пахта тозалаш заводларида оғир ишларни механизациялаш масалаларига етарли э'тибор берилмаётир. Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'езди Тўқимачилик саноати министрлиги ва министрликка қарашли корхона ходимларининг олдига яқин 2—3 йил ичида қуритиш-тозалаш цехлари қурилишини тамомлаш, тайёрлов пунктларини механизациялаш, корхоналарни янги техникага кўчириш, илғор технологияни жорай қилиш ҳисобига пахта толаси ва пахта момиғи ажратиб олишни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш вазифасини қўйди.

Кўпгина завод-фабрикаларда давлат планлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор кўрсаткичлари бўйича бажарилса ҳам таннархни камайтириш топшириқлари бажарилмаётир. Бунга асосий сабаб мавжуд ишчи кучи ва ишлабчиқаришдан қувватларидан унумли фойдаланмаслик, технология режимларига риоя қилмай бракни кўпайтириб юборишдир. «Ўзбексельмаш» заводида худди шундай бўлаётир. Бу корхона ўтган йили фақат брак маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзидан 2 миллион 351 минг сўм зарар кўрган эди. Бу йил ҳам брак маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда. 1956 йил январь ойида биргина қуюв цехининг ўзи 125 минг сўмлик брак маҳсулот берган бўлса, февраль ойида бу миқдор 179 минг сўмликка етди.

Бундай аҳволга тоқат қилиш мутлақо мумкин эмас.

Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнатни ва иш ҳақи тўлашни нормаллаштиришдаги камчиликларни тугатиш ғоят муҳим роль ўйнайди. Маҳсулот таннархини систематик равишда камайтираборш учун бошқарув аппаратларини тобора такомиллаштириш, қисқартириш ҳамда арзонлаштириш, шунингдек параллель ишловчи аппарат звеноларини тугатиш, штатдаги ортиқчаликларни йўқотиш лозим. Штатдаги ортиқчаликларни йўқотиш ва бевосита ишлабчиқаришда иштирок этмайдиган ёрдамчи ходимлар сонини камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг муҳим резервидир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда маҳсулот таннархини камайтиришда социалистик мусобақа ғоят муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракатини ҳамма чоралар билан кенг қулоч ёйдириш, шунингдек илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва шу асосда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш керак.

Социалистик саноатимизда маҳсулот таннархини камайтириш резервлари битмас-туганмасдир. Бу имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш учун партия ва хўжалик ташкилотлари ўзларининг э'тиборларини корхоналар фаолиятини бутун чоралар билан яхшилашга, иқтисодий тежашни изчиллик билан амалга оширишга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қаратишлари лозим. Бу соҳадаги бюрократизмнинг ҳарҳандай кўринишларига мутлақо барҳам бериш, ҳўжасизлик ва меҳнат сарфланишига хотима бериш, ускуналардан фойдаланишни яхшилаш, ҳомаш'ё, материал, ёқилғи, электр қувватидан унумли фойдаланиш, металлар, чармларнинг ўрнини босадиган материалларни кенг жорий қилиш лозим.

КПСС XX с'ездининг олтинчи бешйиллик юзасидан берган Директивларида мамлакат халқ хўжалигини, даставвал социалистик экономиканинг асоси бўлган оғир индустрияни зўр бериб ривожлантиришнинг ғоят катта программаси белгилаб берилган. Бу планнинг бажарилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлайди, унинг мудофаа қувватини оширади, меҳнаткашлар моддий ва маданий фаровонлигини юксалтиради. Янги бешйиллик планнинг бажарилишини одамлар — ишчилар, колхозчилар, интеллигенция, уларнинг фидокорона, қаҳрамонона меҳнати ҳал қилади, партия, совет, хўжалик, касаба союз органларининг ташкилотчилик ишлари, уларнинг саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар, МТС ва совхозларга раҳбарлик даражалари ҳал қилади.

КПСС XX с'езди барча ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенциясини СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик планини тўла ва оширib бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдиришга чақирди. Маҳаллий партия, совет ва касаба союз ташкилотлари омманинг кун сайин ошаётган иҳодий ташаббусига ва меҳнат соҳасидаги ғайратига бошчилик қилишлари, жойларда яратилаётган янгиликларни қўллаб-қувватлашлари, корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тобора яхшиларга ва шу асосда янги бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил давлат планининг муддатидан илгари ҳамма кўрсаткичлар бўйича тўла бажарилишини та'минлашлари лозим.

В. УСМОНОВ,

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети саноат ва транспорт бўлими мудирининг ўринбосари.

Экиш сур'атини кунсайин ошириб, ишнинг юқори сифатли бажарилишига алоҳида э'тибор берайлик!

Чигитни тез ва сифатли экиб олиш учун

Ўтган қишлоқ хўжалик йилини пахтадан мўл ҳосил етиштириб, юқори кўрсаткичлар билан якунлаган Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг азамат пахтакорлари бу йил 1200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Улар шу мақсадда чигит экишни оммавий равишда қизитиб юбордилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаатини колхоз а'золари ғоятда баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар Мурожаатда ўзларининг амалий ишлари билан жавоб бериш мақсадида социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Бу мусобақада олдинда бораётган Т. Назаров, А. Пўлатов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, мавжуд пахта майдонларига чигитни янги, прогрессив усулда экиб бўлдилар.

Шунингдек, Тарас Шевченко номли колхознинг Мавлон Ҳолдоров бошлиқ бригада а'золари ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли чигит экишни биринчилар қаторида тамомладилар. Ҳозир Т. Канчадзе, Т. Маманов, Б. Зокиров, Б. Қоплонов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари чигит экишни оммавий равишда бошлаб юбориб, жиддий муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Т. ҲАЙДАРОВ,
А. МУҲАМЕДОВ,
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
З. ОРТИҚОВ.

Илғор бригадалар намуна кўрсатиб ишламоқдалар

Оққўрғон районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Қодир Суяров бошлиқ бригада а'золари 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 ўрнига 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бригада а'золари бу йил чигитни 60Х45 схемасида экишни планлаштирган эдилар. Ер текисланиб сифатли бороланди. Далани қатқалоқдан сақлаш мақсадида 200 тонна маҳаллий ўғит жамғардилар.

Бригада а'золари ерларни чигит экишга илғор агротехника қоидалари асосида тайёрлаб, чигит экишни кучайтириб юбордилар.

Шунингдек Куйбишев номли колхознинг ўртоқ Х. Умурзоқов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг а'золари чигит экишни ҳартарафлама кучайтирмоқдалар. Партия ва Ҳукуматимизнинг тарихий қарорларидан ғоятда руҳланган бригада а'золари 88 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 24 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Айниқса ўртоқ А. Нурматов бошлиқ звено а'золари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан бошқаларга намуна бўлаётирлар. Улар 24 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётирлар.

А. САРИБОЕВ.



Ўртачирчиқ районидаги Воронилов номли колхозда чигит экиш кунсайин кучайтирилаётир. Колхоздаги экипаж а'золари чигитни қисқа муддатда сифатли қилиб экиб олиш учун ғанимат кунларнинг ҳарбир соатидан унумли фойдаланмоқдалар. Бу ишда универсалчи ўртоқ Мамат Мамозов бошлиқ экипаж а'золарининг ишлари айниқса тақдирга сазовордир. Улар кунлик экиш нормасини тўла ва ошириб бажаришга эришаётирлар. Суратда: (дойрада) универсалчи ўртоқ М. Мамозов.

М. Шевелев фотоси.

Дастлабки кунлардаги жиддий нуқсонлар тезда бартараф қилинсин

Ўртасарой районидаги колхозлар ёппасига чигит экишга киришдилар. Дастлабки икки кун ичида 500 гектардан ортиқ ерга чигит экилди. Молотов номли, Свердлов номли, Ленин номли колхозларда чигит экиш кундан-кунга кучайтирилмоқда.

Охунбобоев номли колхознинг а'золари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мурожаатини кўтаринкилик билан кутиб олдилар. Колхозчилар, механизаторлар Мурожаатга жавобан чигит экишни а'ло сифатли қилиб ўтказиш тадбирларини кўрмоқдалар. Айниқса, чигитни квадрат-уялаб экишга жиддий э'тибор берилаётир. Колхозда хизмат қилаётган Лим Александр бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари намунали ишламоқдалар. Универсалчи ўртоқ С. Пардаев ўртоқ Яратев бошлиқ экипаж билан аҳил бўлиб ишлаётир. Шунинг учун ўлчов симлари тез ўзгартирилиб, тўғри тортилмоқда, бу квадратларнинг аниқлигини та'минлаётир. «Полярная звезда» колхозида квадрат-уялаб чигит экаётган 4 агрегат ҳам намунали ишламоқда.

Лекин райондаги ҳамма колхозларда ҳам чигит экиш ана шундай яхши ва ҳозирги вазият талаб этган даражада ташкил қилинган, деб бўлмайди.

Сталин номли колхоз правлениеси чигит экишга пухта тайёргарлик кўрмаган. Иккинчи МТСнинг бу колхозга биркитилган ўртоқ Борсуков бошлиқ бригадасига қарашли 8 «универсал»дан фақат 4 таси ишламоқда. Буларнинг иш унуми ва сифати жуда паст. 78-нчи «универсал» чигит экмасданоқ бузилиб, ишдан чиқди. Бошқа бир «универсал» сеялканинг пересипи йўқлигидан бекор турибди. Колхознинг биринчи участкасида экиш учун ер тайёрланмаганидан битта «универсал» 1,5 гектар ерга чигит экқач, кун бўйи ишламади.

Колхознинг иккинчи участкасида 7 апрельда чигит экишга киришилди. Универсалчи Тожиевнинг агрегати экишга тўла тайёрланмагани, квадрат-уялаб экадиган сеялка созланмагани ва бошқа камчиликлари бўлгани сабабли чигитни турли масофага ташлаб, квадрат бузилаётир.

— Кеча, — дейди иккинчи бригада бошлиғи ўртоқ Орзиев, — 21 гектарли картада экиш бошлаган эдик. Куни бўйи овора бўлиб бир гектар ерга ҳам чигит экилмади. «Универсал» 5 марта бориб келди-ю, таққа тўхтади. Чигит кўмилмай ер бетида қолиб кетмоқда. Бугун ҳам шундай аҳвол давом этди.

Дарҳақиқат, сеялка яроқсиз. Буни участка механиги Неломедов, колхоз партия ташкилотининг секретари Акмалов ўртоқлар келиб кўрганлар. Аммо, улар сеялкани тузатиб ишга солмай, кетиб қолганлар. Экиш даврида квадратлар бузилган ерга қайтадан мола босилган. Худди шундай аҳвол иккинчи куни ҳам такрорланди. Кундуз соат 4 га қадар сеялкани тузатиш билан овора бўлиниб, бир гектар ерга ҳам чигит экилмади.

Универсалчи Тожиев агрегатига биркитилган экипаж а'золаридан фақат 2 киши ишламоқда. Ж. Орзиев, И. Ҳошимов, М. Мирзараҳимов ўртоқлар колхоз правлениеси томонидан бошқа ишга юборилган. Ўлчов сими тортиш ва уни ўзгартириб туриш билан таниш бўлмаган тажрибасиз колхозчилар ишга қўйилиши орқасида квадратлар бузилиб, ўлчов симлари тез-тез узилиб ишдан чиқмоқда.

Колхоз агрономи ўртоқ Ким Виктор экишни сифатли ўтказишга мас'улиятсизлик билан қараган. У, «аввал экишни катта картадан бошлаган эдик, трактористнинг бориб келиши қийин бўлди. Шунинг учун у ерда экишни тўхтатиб, тракторни кичик картага кўчирдик. Бу ерда ҳам квадрат чиқмаётир», деб нолиб юрибди. Шунингдек, колхоз раиси ўртоқ Ҳайдаров: «Иккинчи участкага партия ташкилотининг секретари жавобгар» деб ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйган. Ваҳоланки, ўртоқ Ҳайдаров жавобгар бўлган биринчи участкада ер тайёр бўлмаганидан чигит экиш судралаётир. Иккинчи МТС бош агрономи ўртоқ Исмоилов эса «эртага келаман, сеялканинг камчиликларини ўшанда тузатамиз» деб бедарак кетган.

Район партия комитети, район ижроия комитети ва МТСларнинг раҳбарлари чигит экишнинг дастлабки кунидаги нуқсонларни дарҳол бартараф қилиб, чигитни а'ло сифатли қилиб экиш тадбирларини кўришлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Мурожаатга амалий иш билан жавоб бермоқдалар

Мирзачўл районидаги янгидан ташкил қилинган Булганин номли пахтачилик совхозининг коллективи КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаатини экиш ишлари қизғин тус олган бир пайтда кутиб олди. Совхоз пахтакорлари, чорвадорлари ва механизаторлари Мурожаатга жавобан дала ишлари сур'атини тобора кучайтирмоқдалар.

Ҳозиргача 320 гектар ерга беда, 100 гектар ерга сули, 102 гектар ерга арпа, 50 гектар ерга маккажўхори экиб қўйилди. Шу кунларда совхоз пахтакорлари айниқса мас'улиятли кунларни кечирмоқдалар. Улар чигит экишни юқори сифатли қилиб, қисқа муддатда ўтказиш учун майдон социалистик мусобақасини кучайтирмоқдалар. Совхоз механизаторлари сифатли ишланган ерларга квадрат-уялаб ва квадрат тўғрибурчакли схемаларда чигит экишни намунали ўтказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Илғор универсалчилардан Ў. Эштоев, Н. Зеюнгиров ўртоқлар кундалик чигит экиш нормаларини 1,5—2 ҳиссага етказиб адо этмоқдалар. Ишчилардан И. Дўсматова, А. Маматқосимов, У. Баширев, Б. Тожибоев ўртоқлар ерларни экишга тайёрлашда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Совхоз ишчилари ва механизаторлари бу йил 550 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

— Коллективимиз,—дейди совхоз директори ўртоқ И. Шалёв,—ўз зиммаларига олган мажбуриятни муваффақиятли бажариш, пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қиладилар.

М. АБДУРАИМОВ.

Бугуннинг нафаси нақадар улуғ
Секундлар зарбида соатлар кучи.
Ғалаба баҳори, бутун бир йилнинг
Тақдирин одатда бу ҳал этгучи.

Маккажўхорининг серҳосил сортларини экайлик

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорлари жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда аввало мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, бунинг учун маккажўхори экишни кўпайтириш, айниқса дурагай уруғларни экиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб берган эди.

Республиканинг, шунингдек, Тошкент областининг суғориладиган ерларида маккажўхорининг мураккаб дурагай сортларидан «Краснодарск 1/49», иккиламчи дурагай «ВИР-156», «ВИР-42» ва «Имеретинск дурагайи» уруғларини районлаштирилиши ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Қорасув районидаги Горький номли колхозда бирнеча йиллардан бери маккажўхорининг дурагай уруғлари экиб тажрибадан ўтказилмоқда. Кўпйиллик тажриба шуни кўрсатдики, маҳаллий кечпишар маккажўхори уруғи экилганда ҳар гектаридан 36 центнердан соф дон олинган бўлса, дурагай «ВИР-156» уруғи экилган ҳар гектар маккажўхоридан 67,8 центнерга етказиб ҳосил йиғиб олинди. Маҳаллий ўртапишар маккажўхори уруғидан гектарига 30,8 центнердан, «Краснодарск 1/49» дурагай уруғидан эса 58,9 центнердан ҳосил етиштирилди. Шунингдек, ўртапишар дурагай «ВИР-42» уруғидан 38,8 центнерга етказиб ҳосил йиғиб олишга муваффақ бўлинди.

Максим Горький номли колхознинг экин майдонларида ишлабчиқариш тажрибасида шу нарса аниқландики маҳаллий сорт уруғининг ҳар гектаридан 31,2 центнердан ҳосил олинган бўлса, дурагай «ВИР-156» ва дурагай «Краснодарск 1/49» уруғларининг ҳар гектаридан 44 ва 54 центнерга етказиб соф дон йиғиб олинди.

Дурагай уруғнинг афзаллиги шундаки, дондан юқори ҳосил олиш билан бирга кўплаб кўк масса олиш имкониятини беради. Маҳаллий уруғнинг ҳар гектаридан 332 центнердан, я'ни 9030 озуқа бирлигига тенг бўлган кўк масса олинади. Агар дурагай «ВИР-156» уруғи экилса, унинг ҳар гектаридан 471,3 центнердан кўк масса, ёки 13610 озуқа бирлиги олинади. Айниқса «Имеретинск» дурагай уруғи кўплаб кўк масса олиш имкониятини беради, унинг ҳар гектаридан 567 центнерга етказиб кўк масса олиш мумкин. Маҳаллий ўртапишар уруғнинг ҳар гектаридан эса фақат 197 центнерга етказиб кўк масса олинади. Мисоллардан кўриниб турибдики, маҳаллий сортларга нисбатан дурагай сортлардан кўплаб дон ва кўплаб кўк масса олиш мумкин.

Дурагай сортларнинг афзаллигини тажрибада кўрган колхоз а'золари Қорасув Давлат сорт участкаси ходимлари билан биргаликда «ВИР-156» дурагай уруғидан 25 тонна, «Краснодарск 1/49» дурагай уруғидан 2 тоннага яқин маккажўхори уруғлари етиштирдилар.

Горький номли колхоз қабул пунктига топширилган ҳарбир центнер «ВИР-156» дурагай уруғлик маккажўхори эвазига 2 центнердан оддий маккажўхори уруғлиги ҳамда 92 сўмдан пул олади.

Партиямиз XX с'езди қарорларидан руҳланган колхоз а'золари бу йил 60 гектар ерга маккажўхори экишни планлаштирдилар. Бу, ўтган йилдагига нисбатан 35 гектар кўпдир.

Бу йил Қорасув районидаги барча колхозларнинг маккажўхори майдонларига фақат районлаштирилган дурагай маккажўхори уруғларини экиш учун ҳамма шароит мавжуд. Бу, ем-хашак базасининг мустаҳкамланишини ҳамда жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш имкониятини беради.

Шу кеча-кундузда район колхозлари қабул пунктидан етарли миқдорда дурагай маккажўхори уруғликларини тезда ташиб олишлари, уларни сортларга ажратиб унувчанлигини лабораторияда текшириб кўришлари зарур. Экиладиган уруғларни албатта дорилашлари керак. Ҳозирги вазифа, мавжуд сеялкаларни тезда ва сифатли ремонтдан чиқариб, барча майдонларга маккажўхорини белгиланган муддатда, квадрат-уялаб экишдан иборатдир.

М. ХАЙКИН,
колхоз агрономи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 10 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби билан)

Районлар	Чигит экиш	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Маккажўхори экиш
Янгийўл	26,5	20,4	13,3
Оққўрғон	20,8	12,7	18,3
Гулистон	20,3	6,5	11,2
Оржоникидзе	18,9	26,0	10,4
Пискент	16,9	8,0	—
Боёвут	16,9	10,0	—
Верхне-волинск	16,7	10,2	46,2
Бўка	15,4	10,9	0,3
Юқоричирчиқ	15,2	2,7	0,8
Чиноз	14,9	8,9	19,1
Сирдарё	12,6	7,8	10,6
Калинин	12,6	—	13,7
Бекобод	12,2	7,1	5,1
Ўртачирчиқ	10,6	3,2	1,7
Мирзачўл	8,9	5,6	5,4
Октябрь	8,8	3,7	4,9
Ўртасарой	6,3	1,4	10,2
Бўстондиқ	1,0	2,2	2,0
Оҳангарон	—	—	2,5

ТЕАТР

„Сингиллар қиссаси“

Муқимий номидаги республика музикали драма ва комедия театри ёш драматург Ш. Тамкиннинг оилавий-маиший темада ёзилган «Сингиллар қиссаси» драмасини тамошабинларга кўрсатди. Драматург Ш. Тамкин ўз асарида совет оиласининг фазилатларини, ўзига хос хусусият ва сифатларини ранг-баранг, мураккаб образлар, ҳаётий воқиалар орқали акс эттириб, совет оиласини ҳартомонлама мустаҳкамлаш, унинг соғлом бўлиши, тотув яшаши учун кураш масаласини асосий тема қилиб олган.

Спектаклни кўрган тамошабин театр коллективининг драматургга берган катта ёрдамини, улар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни равшан сезиб олади. Спектаклнинг муваффақиятли чиқишида ва унинг реалистик саҳна асари даражасига кўтарилишида режиссёр (Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Ҳамроев)нинг ижодий изланиши, артистларнинг ўзларига топширилган шарафли вазифага мас'улият билан қарашлари ва рольларни моҳирлик билан бажаришлари, композицион бой декорация (рассом Г. А. Визель), ниҳоят композиторлар (республикада хизмат кўрсатган артист П. Раҳимов ва Ҳ. Раҳимов) томонидан асар мазмунига мос музика яратилиши катта роль ўйнаган.

Театр ижодий коллективининг жиддий ютуғи драманинг асосий ғоясини — асардан кузатилган мақсадни асосий образлар орқали ҳаққоний равишда очиб бериши ва унинг тамошабинлар онгига етказиб бераолганлигидадир.

Асарда совет жамоатчилигининг вакиллари — «Янги замон» артели партия ташкилотининг секретари Зоя Александровна (республика хизмат кўрсатган артист З. Самиева), шу артельнинг раиси, Аҳмаджон (цех бошлиғи)нинг хотини Му'табар Азимова (республика халқ артисти Т. Жа'фарова), Аҳмаджоннинг қадрдон дўсти Тешавой (артист И. Тожибоев), Аҳмаджоннинг жонкуяр шогирди, актив комсомол а'зоси Жўра (артист М. Орифбоев) ва бошқалар онлага бой-феодалларча муносабатда бўлучи, уни камситучи, таҳқирловчи, онла бахти тўғрисида саёз мулоҳаза юритучи Аҳмаджон (республика халқ артисти Маҳмуджон Ғафуров) ва шунга ўхшаш кишиларга қарши кескин кураш олиб борган илғор совет кишиларига хос жонкуярлик, меҳрибонлик намуналарини кўрсатадилар ва бу билан коллективнинг тарбияловчилик кучини жиддий равишда янада ёрқинроқ та'кидлайдилар. Улар реалистик-типик образ сифатида ҳарбир оила бир бутун совет оиласининг ажралмас таркибий қисми эканлигини яхши тушунадилар, биладилар. Шунинг учун ҳам бу нарса партия, комсомол, совет ташкилотлари ва барча жамоатчиликнинг диққат марказида туради. Партия, комсомол, совет ташкилотлари ва жамоатчиликнинг оилавий муносабатлардаги камчиликларга, ярамас иллатларга қарши, унинг а'золарини совет ватанпарварлиги, коммунистик аҳлоқ, коллективчилик руҳида тарбиялаш учун кескин кураш олиб боришининг сабаби ана шундадир.

Автор ва режиссёр томонидан Аҳмаджон (цех бошлиғи) хонадонидаги оилавий можаро ишонарли детальлар орқали динамик равишда ёркин ривожлантирилади ва кенг жамоатчиликни ташвишга солган, унинг диққатини ўзига жалб этган ҳамда муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган масала даражасига кўтарилади. Хром тери тайёрловчи моҳир уста Аҳмаджоннинг хотини, тўрт фарзанд онаси Му'табар билан бошланган можароси турмушдаги анчайин оддий гап айтишиб қолиш натижаси бўлмай, аксинча хотин-қизларни менсимаслик, уларнинг ҳис-туйғусини топташ, онлага енгилтаклик, эскича онг, тушунча билан қараш натижасидир.

Аҳмаджоннинг паст савияли кишиэкани, ҳаётимиздан орқада қолиб бораётгани эр-хотиннинг ўзаро муносабатидаги икки ҳолатда янада ёрқин гавдаланади. Аҳмаджон хотини Му'табарни ишдан (артель раиси вазифасидан) бўшаб уйда ўтиришини истайди. У бу ҳақда хотинига бирнеча марта айтган. Броқ, коммунист Му'табар томонидан эрининг бу истаги ҳаргал қат'ий рад этилган эди. Бу ҳол Аҳмаджоннинг иззат-нафсига тегиб, кўнглини ранжитган, жароҳатлаган эди. Хотини тўртинчи қизини туққанида эса Аҳмаджон ўғилсизликни баҳона қилади. Ана шу икки сабаб Аҳмаджонни йўлдан адаштиради. Аҳмаджон билан бир артельда ишловчи манфаатпараст, маккор Товонбой (республика халқ артисти С. Хўжаев ва артист Ҳамза Умаров) унинг бу қолоқлиги, интеллектуал савияси пастлигидан фойдаланиб, сердаромад устани йўлдан оздириш мақсадида «бисотидаги» ҳийла-найрангларни ишга солади. Мол-дун'ёга ўтакетган даражада ҳирс қўйган Товонбой «бадавлат куёв» воситасида бойиб олиш учун ҳеч-қандай жиноятдан қайтмайди, ғайри қонуний ишлар билан шуғулланади, ўғай қизи Анзиратни Аҳмаджон билан таништиради.

Анзират (республикада хизмат кўрсатган артист Э'тибор Жалилова) хотин-қизларга дин, шариат қонун-қоидалари нуқтаи назаридан қаровчи Товонбойнинг макрли тузоғига илинган. Товонбой Анзиратни артельдан бўшатиб олиб, совет қонунига хилоф равишда қандайдир бир кишига ЗАГСсиз узатган ва бойиб олгач, арзимаган баҳона билан ундан ажратиб олган очкўз кишидир. У эндиликда Анзиратни яна енг ичида ниқоҳ ўқиб, Аҳмаджонга хотин қилиб бермоқчи бўлади.

Товонбой Аҳмаджон, Анзират ёки Му'табар ва унинг қизларининг тақдири, бахти билан мутлақо қизиқмайди. Унинг учун энг муқаддас нарса — бойлик, чўнтагини пулга тўлдиришдир. Шунинг учун у бу йўлда ор-номус, виждондан воз кечади, чин инсоний фазилатларни оёқ ости қилади. Артист С. Хўжаев ва Х. Умаров ҳозирги кунимизда мавжуд бўлиб, ўз кирдикорини жуда эҳтиёткорлик билан ниқоблашга уринучи, кишиларимизнинг тинч, тотув турмушига рахна солучи, ўтмиши нома'лум ва айни вақтда ҳам ғайриқонуний ишлар билан шуғулланучи Товонбой образини зўр маҳорат билан яратиб, унинг психологиясини, ма'навий қиёфасини ҳаққоний очиб берганлар.

Товонбойнинг ҳийла-найранглари Аҳмаджонга та'сир қилмай қолмайди. Аҳмаджоннинг нотўғри йўлга кириб кетиши, ширин оиласидан воз кечишининг сабаблари ҳам ана шундан келиб чиққан. Товонбой, маҳалла комитетининг секретари, қалбаки ҳужжатлар «ижодчиси» пианиста, «бир тийинга минг думалайдиган» Сотиболди (республика халқ ҳофизи Ҳ. Аҳмедов), «отарма-отар» юручи, енгил ҳаёт кечиришга одатланиб қолган яллачи Жаннатхон (артист Т. Зиёхонова) сингарилар Аҳмаджон оиласининг бузилиб кетишидан манфаатдор, тангадан тийин уриб қолишга урунучи та'магир шахслардир. Улар маҳфий равишда тўйин бошлайдилар. Броқ совет жамоатчилигининг вакиллари — Зоя Александровна, Теша ва Жўралар Анзиратни юлдузни нарвонсиз урадиган бу «олғирлар» чангалидан қутқариб олишга ҳаракат қиладилар. Анзират алданганлигини, ўз хатосини сезгач, ғазабланиб Товонбойни ла'натлайди, ундан нафратланади. Унинг пок қалбидан отилиб чиққан оташин нафрат, ғазаб Товонбой сингари барча эскилик тарафдорларига, ўтмишнинг жирканч сарқитларига қарши кураш ифодасидир. Артист Э. Жалилова Анзиратнинг ички дун'ёси, психологиясидаги мураккаб, жиддий қарама-қаршликни, унинг ма'навий қиёфасидаги кескин ўзгаришни, хотин-қизлар эрки, ҳис туйғусини тақирловчи ўтмиш иллатларига нисбатан бўлган нафратни моҳирлик билан талқин этаолган.

Асар ва спектаклда илғор совет хотин-қизларининг вакили Му'табар образи салмоқли ўрин эгаллайди.

Му'табар оила нима эканлигини чуқур ҳис этган, унинг мустаҳкам бўлиши, бошқаларга ўрнак кўрсатиши учун курашадиган, қизларини коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш учун интилган аёлдир. Му'табар образи пьеса ва спектаклда ўз ма'навий қиёфасининг юксаклиги, онглилиги билан гавдалантирилган. Му'табарнинг олижаноб фазилат эгаси эканлиги эри Аҳмаджон ташлаб кетгандан кейин яна ҳам очиқ кўзга ташланади. У севимли эри ташлаб кетганига қарамай, руҳан тушмай балки ўзининг ҳақ эканлигига ишонади. У ўз фаолиятини ишлабчиқариш билан боғлайди. Му'табар актив жамоатчи, онгли, идрокли, саботли совет хотин-қизларининг типик образидир. Ана шу кўп қиррали аёл образини яратишда республика халқ артисткаси Турсуной Жа'фарова катта муваффақиятга эришган.

Лекин драма ва спектаклнинг юқорида қайд этилган ютуқлари билан бирга қайта ишлашни, ўзгартишни талаб этадиган айрим жойлари ҳам бор. Бу камчилик даставвал драматург томонидан Анзират образини бойитиш, воқиалар оқимини узвий боғлаш, уни кескинлаштириш мақсадида асарга киритилган айрим моментларнинг сун'ийлигида кўринади. Масалан, «тўй» картинасини олайлик. Бу картинада Анзират Аҳмаджонга ишқ-муҳаббат изҳор этиб, ария айтади. Ҳолбуки, Анзират Аҳмаджонни ҳечқачон севган эмас, унинг ким эканлигини ҳам яхши билмайди. У фақат ўгай ота — Товонбойнинг тилёғламалик билан авраши туфайлигина розилик беради. Шундай бўлгач, Анзиратнинг юрак туйғуларини изҳор этиб, айтган муҳаббат қўшиғи сохта, ҳақиқатдан узоқ. Режиссёр ва композиторлар ҳам бунга э'тибор бермаганлар. Пьеса ва спектакль воқиасининг ривожланишига путур етказадиган, ҳақрамонлар ҳолати, ички кечинмалари, ҳис-туйғулари билан мазмунан боғланмайдиган ариялар билан бир қаторда паст савияда ёзилган ария ва дуэтлар ҳам бор. Аҳмаджон ва Му'табар ариялари (I кўриниш), Сотиболди ва Товонбой дуэти (II кўриниш), Иқбол ҳамда Анзират ариялари (IV кўриниш) бунинг далилидир.

Бизнингча, пьеса ва спектаклда Аҳмаджоннинг катта қизи врач Иқбол (республикада хизмат кўрсатган артист Фароғат Раҳматова) етук образ даражасига кўтарилмаган. Иқбол оилавий можаро процессида — воқиаларнинг йўналиши, ривожланишида пассив иштирок этади, можароларга нисбатан тамошабин бўлиб қолади. Ота-она жанжалида (I кўриниш) эса онасига ён босмоқчи бўлиб, томдан тараша тушгандек «Менинг ўқишимга ҳам қаршилик қилгансиз» деб отасига э'тироз билдиради. Тўғри, конфликтни кучайтириш керак, аммо шу хилдаги ўринсиз, зўрма зўраки равишда ўқишга юбормаганлигини та'на қилиш йўли билан эмас, балки «суратингни олди-ю, сурати қолди» дейиши, ҳаркимга юз мақомда товланиб «жоним мураббо» деб тил учида ширин сўз қотиши ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш кифоя.

Турмушда кишилар онгида қат'ий ўрин эгаллаб, мустаҳкамланиб бораётган совет оиласининг ажойиб фазилатлари эски оилавий муносабатлар, қолоқ онг, тушунча устидан тантана қилмоқда. Бу — тамошабинни қувонтиради. «Сингиллар қиссаси» музикали драмасининг замонавийлиги ҳам, актуаллиги ҳам, муҳим ғоявий-тарбиявий аҳамияти ҳам худди ана шунда. Драматург ва театр ижодий коллективи юқорида қайд этилган нуқсонларни бартараф қилса, шубҳасиз, асар ва спектаклнинг қиммати янада ошади.

С. РАҲИМОВ.



Сталин районидаги 34-нчи мактаб ўқучилари дарсдан сўнг ёш мичуринчилар участкасига кетмоқдалар. **В. Салов** фотоси.

Шишадек товланар феруза осмон,
Сахий қуёш олтин нурларин сочар.
Баҳор либосини кийган боғ-бўстон,
Орсм, завқ бахш этиб баҳрингни очар.

Ғир-ғир эсаётган майин шабада билан баҳор нафаси шаҳримизни кезади. Кўча ва майдонлардаги гулзор ва газонларда қийғос очилган ранг-баранг гуллар кўзни қувонтиради. Бу, эрта кўкламда барқ уриб очилгучи чиройли гуллар ўтган йилдаёқ экилган эди. Мана, бугун улар баҳор элчиси каби барвақт очилиб апрель қуёшидан нур эммоқдалар.

Олтинчи бешйилликнинг биринчи баҳори ўзининг бутун салобати ва гўзаллиги билан дадил қадам ташлаб янги-янги туйғу ва қувонч бошлаб келаётир. Ёмғир сувини тўйиб-тўйиб ичган ўт-ўсимликлар тилами тобора гуркираб, Тошкент ҳуснига-ҳуси қўшмоқда. Гул ва булбуллар шаҳри деб ном чиқарган Тошкентимиз яшил либосга бурканмоқда.

Шаҳарни кезар эканмиз кўчаларда, хонадонларда, паркларда, хиёбонларда баҳор тараддуди авж олиб кетганлигини дарҳол пайқаймиз.



Пушкин номли паркдаги қорояпган павильони янги мавсумга сифатли ремонт қилинмоқда.

В. Салов фотоси.

Боғча ёшидаги болалар кўчаларга чиқишган, енгилгина кийинган йигит ва қизлар ишга шошиладилар. Ҳамманинг чеҳрасида баҳор қувончи.

...Биров ток очади, биров гул экади, яна биров дарахт кўчати ўтказади. Баъзилари эса ҳовлиларини чопиб редиска, кашнич, пиёз сингари резаворлар уруғларини сочадилар.

Мана Ҳамза кўчаси. Кўча қарқачонгидан ҳам гавжум. Пушкин паркида баҳор тайёргарлиги бормоқда. Паркнинг гулзорлари қайтадан экилаётир, ундаги павильонлар ремонт қилинмоқда, сайрғоч жойлар тузатилаётир. Эски Жўвадан бошлаб Комсомол майдонигача бўлган жойда қизғин иш бораётир. Бунда ер текисловчилар, режаловчилар, узунлиги 600 метрлик трассани гулзор қилиш учун завқ билан ишлайдилар. Парк ва бульварларни, сквер ва хиёбонларни, газон ва гулзорларни янги план асосида турли гул кўчатлари билан бойитиш устида жадал ишлар қилинмоқда. Шаҳарнинг кунгил очиш жойлари, ёғаги кинотеатр ва театр бинолари ремонт қилинаётир.

Тошкентдаги 8 район марказида скверлар ташкил этилиб, уларга ранг-баранг гуллар, соя-салқин берадиган турли дарахтлар экилмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш ишлари учун 490 минг сўм пул ажратди. Ҳозир Тошкент гулзорларига наргис, лола, гулбеор, виола, чиннигул сингари ранг-баранг, хушбўй ва хушманзара гуллардан 145 миллион тупи ўтказилмоқда. Тошкент гулчилик ташкилотлари Москва ва бошқа шаҳарлардаги оранжереялардан 40 хил гул уруғларини келтирганлар. Булар орасида астурция, лакфиол, астра каби турли-туман хушбўй ва кўркам гуллар борки, улар тез кунларда истироҳатчининг димоғини чоғ, дилини шод қилади.

Шаҳар паркларига, хиёбонларга, сквер ва аллеяларга эман, қайрағоч, мажнунтол, акация, терак каби дарахт кўчатларидан 25 минг туп, буталардан 40 минг тупи экилмоқда.

Март ойида Андижон шаҳридан келтирилган семеринка, кандил, размарин, золотой крем каби олмалар, олича, гилос сингари мевали дарахтлардан бирнеча минг тупи Тошкент шаҳрининг аҳолисига тарқатилди.

Шаҳар кўчаларига экилган минг туп бута, 500 туп сирень, шунингдек бирнеча юз туп тол, терак сингари дарахт кўчатлари кун сайин барг ёзмоқда.

Бу йил саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва бошқа муассасалар учун 2000 дона тувакда ҳархил хонаки гуллар етказиб берилди. Яна 90 минг тувакда ўтқазилган ранг-баранг хушбўй гуллар парвариш қилинаётир.

Ҳозир Педагогика майдонида, Самарқанд кўчасида, Эски Жўва майдонида ерларни текислаш, бульвар қилиш, гулзорлар ташкил этиш ишлари бошланиб кетди. Бу ерларда Озарбайжон халқининг улуғ шоири Низомий Ганжавийга, Совет Армиясининг отоқли саркардаси Михаил Васильевич Фрунзега, Совет давлатининг йирик арбоби Михаил Иванович Калининга қўйиладиган ҳайкаллар қад кўтаради.

Шаҳарнинг кўкаламзорлаштириш ишлари тобора авж олмоқда, баҳор шаҳар чиройига чирой қўшмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг маданий дам олиши учун доимо ғамхўрлик ишлари ана шу ғамхўрликдан далолат беради. Дарҳақиқат кенг ва гўзал боғлар, гулзор майдонлар йил сайин кўркамлашиб, ажойиб сайргоҳга айланмоқда.

Чаман-чаман гуллаган ўрик дарахтлари кўзни қамаштиради. Ҳадемай, шафтоли, олма, олича каби мевалар гулга киради, толлар барг ёзади. Шу кунларда кўчати ўтқазилаётган гуллар 1 Май байрами арафасида қийғос очилиб думоқца атр бўйини уфирадилар.

Қураш ва ишқ баҳори, меҳнат ва зафар баҳори бутун салобати билан гўзал ва обод шаҳримизни кезиб юрибди. Ҳисобсиз яшил дарахтлар, миллионлаб ранг-баранг хушбўй гулларни ўз кўксида парвариш қилаётган нурли пойтахтимиз баҳор либосида яшнаб чирой очмоқда.

Шаҳримни этаман чаманга таққос,
Боғлари гуркирар, айқирар анҳор.
Шарқда қад кўтарган пойтахт бекиёс,—
Тошкентда кезади баҳор, гул баҳор!

М. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.



Сталин номли паркда гулзор ишлари қизғин давом этмоқда.

В. Салов фотоси.

СССР билан МХР ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда

УЛАН-БАТОР, 9 апрель. (ТАСС). СССР билан МХР ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кейинги вақтларда Улан-Баторда Мўғулистон Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи ҳукуматларининг вакиллари ўртасида музокаралар олиб борилди. 8 апрельда МХР Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян Мўғулистон-Совет ахборотини имзоладилар.

Ахборотни имзолаш вақтида Мўғулистон томонидан — МХР Буюк халқ хурали президиумининг раиси Ж. Самбу, Мўғулистон Халқ-революцион партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Д. Дамба, МХР Министрлар совети раисининг биринчи ўринбосари Б. Ширендиб ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Совет томонидан — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССРнинг МХРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Писарев, элчихона маслаҳатчиси С. С. Дашьян ҳозир бўлдилар.

Қуйида Мўғулистон-Совет ахбороти тексти босилади:

Мўғулистон Халқ Республикаси Ҳукумати билан ССР Иттифоқи Ҳукумати ўртасида илгари эришилган битимга мувофиқ кейинги вақтларда Улан-Баторда Мўғулистон Халқ Республикаси билан ССР Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилди. Шу музокаралар СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микояннинг Мўғулистон Халқ Республикасига визит билан келган вақтида муваффақиятли суратда тугалланди.

Ана шу музокаралар натижасида 1956—1960 йилларда Улан-Батор шаҳрида 40 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилишда Мўғулистон Халқ Республикасига ёрдам бериш тўғрисида бир битимга келинди. Совет ташкилотларининг проект ишларини бажариши, ярим фабрикатлар ва материаллар, сантехника ускуналари ва бошқа ускуналар, бинокорлик механизмлари ва транспорт воситалари етказиб бериш йўли билан, шунингдек совет мутахассисларини юбориш йўли билан шундай ёрдам кўрсатилади.

Соловьевск—Баян—Туман, Чойбалсан—Тамцак—Булак темир йўлларини ва улардаги биноларни, иншоотларни ҳамда тор изда қатнайдиган составини Совет-Мўғулистон акциялик ширкати «Улан-Батор темир йўли» ширкатига бепул топшириш тўғрисида битимга келинди. Бундан ташқари, Улан-Батор районида сут заводи ва 4 тегирмон биноси қуриш, янги қурилаётган кондитер фабрикаси учун ускуналар етказиб бериш тўғрисида, Улан-Батор шаҳрида водопровод, канализация ва теплофикация қурилишида, 6 машинаочарвачилик станциясини қуриш ва уларни техника билан таъминлашда, шунингдек Мўғулистон Халқ Республикаси территориясида геологоразведка ишларини биргаликда олиб боришда ёрдам кўрсатиш тўғрисида ва Мўғулистон Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар юзасидан битимга келинди.

Юқорида айтилган бинокорлик ишларини бажариш учун, ускуналар, бинокорлик механизмларини ва бошқа материалларни сотиб олиш учун ССР ҳукумати Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматига енгил шартлар билан узоқ муддатли кредит беради.

Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми

СОФИЯ, 9 апрель. (ТАСС). Шу йил 2 апрельдан 6 апрельгача бўлиб Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тодор Живковнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди ва Болгария Коммунистик партияси учун бу с'езддан келиб чиқадиган хулосалар тўғрисидаги докладини эшитди.

Доклад юзасидан асосли ва чуқур музокаралар бўлди ва бир овоздан резолюция қабул қилинди.

Резолюцияда бундай дейилади: Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг тарихий қарорларини қизғин табриклайди. Бу қарорлар улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг кучи ва донолигини порлоқ суратда янада намойиш қилиб кўрсатди. Болгария Коммунистик партияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан доим таълим олиб келди, ўзининг кундалик ишлари учун унинг бебаҳо тажрибаларидан фойдаланиб келди ва бундан кейин ҳам фойдаланади.

Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди қарорларининг партия ҳаётининг ленинча нормаларига жуда қаттиқ риоя қилиш учун, коллектив раҳбарликни кучайтириш ва партия ички демократиясини ривожлантириш учун, шахсга сиғиниш қарқитларига қарши кескин кураш олиб бориш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. И. В. Сталин ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги йилларида шахсга сиғиниш кенг ёйилган эди ва шахсга сиғиниш партининг ҳамда халқ оммасининг аҳамиятини камситган ва партияда коллектив раҳбарликнинг ролини пасайтирган эди.

Резолюцияда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорлари халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилади. Бу қарорлар бутун дунёё меҳнаткашларининг тинчлик ва социализм учун олиб бораётган курашида уларга тобора қудратли таъсир кўрсатмоқда ва кўрсатади. КПСС с'ездининг қарорлари болгар халқини социализм қурилишида янги шонли галабаларга, Болгария-Совет дўстлигини янада яшнатишга, Болгария Халқ Республикасини юксалтириш ва тараққий этдиришга илҳомлантиради.

Марказий комитет пленуми республиканинг тарихан қисқа вақт ичида Болгария Коммунистик партиясининг тўғри сиёсати туфайли, халқининг қаҳрамонона меҳнати туфайли ва Совет Иттифоқи билан ҳамда халқ-демократик мамлакатлари билан қардошларча хамкорлик туфайли хўжалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлаш билан бирга, агар шахсга сиғиниш ва у билан боғлиқ бўлган ҳамда марксизмга хилоф бўлган зарарли иш методлари кейинги йилларда Болгария Коммунистик партияси сафларида ва бутун ижтимоий ҳаётимизда ҳам кенг ёйилмаганида; бу муваффақиятлар кўпроқ бўлур эди, деб ҳисоблайди. Ўртоқ Вилко Червенковнинг шахсияти теварагида вужудга келган сиғиниш Болгария Коммунистик партияси учун традицион бўлиб қолган ва синалган иш методларини, партия ички демократиясини ва раҳбарлик қилишда коллектив бўлиб ишлашни кўп даража суриб чиқарди, бундай сиғиниш натижасида масалалар баъзан биртомонлама ҳал этилди. Бундай сиғиниш партия ҳамда давлатнинг ташкилий, идеология ва хўжалик ишларига зарарли таъсир кўрсатди.

Марказий комитет пленуми шахсга сиғинишни ва у билан боғлиқ бўлган нотўғри ва зарарли иш методларини тамомила тугатишга, шунингдек партия ҳаётининг ленинча принциплари ва нормаларини изчиллик билан қўлланишга, коллектив раҳбарликка қаттиқ риоя қилишга ва партиянинг ҳамма звеноларида партия ички демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга қаратилган бирқанча тадбирларни ишлаб чиқди.

Марказий комитет пленумининг резолюциясида пропаганда ва агитация ишларини ҳамда идеология соҳасидаги ҳамма ишларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу ишлар социалистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаб олиб борилиши, бу ишларда шахсга сиғинишнинг таъсири тамомила йўқотилиши, бу ишлар халқ оммасининг аҳамиятини ва партиянинг раҳбарлик ролини баланд даражага кўтариши лозим.

Марказий комитет пленуми мамлакатда социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш учун тегишли чоралар кўриш, мамлакатда қонунни ҳарқандай йўллар билан бузувчиларни қаттиқ жазолаш ва қонунларни қўлланиш ҳамда ижро этиш вақтида прокурор назоратини кучайтириш ҳамда мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди.

Марказий комитет пленуми Сиёсий бюрога ҳаётнинг асосий соҳаларидаги ишларни яхшилаш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорларидан келиб чиқадиган хулосалар руҳида конкрет таклифларни ўрганиш ва бу таклифларни ҳал этиш учун Марказий комитетга тақдим этиб бориш вазифасини юклади.

Пленум Марказий комитет секретариатини уч кишидан беш кишигача кўпайтиришга қарор берди ва Енчо Стаклов ҳамда Боян Билгаранов ўртоқларни қўшимча равишда Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретарьлари қилиб сайлади.

Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети партиянинг барча а'золарини ўз сафларини пленумда қабул қилинган қарорлар асосида Болгария Коммунистик партияси Марказий комитети теварагида маҳкам жипслаштиришга, ленинча принципларга ва партия интизомига қатъий риоя қилишга, партиянинг тўғри йўлидан ва маркеча-ленинча идеологиядан четга чиқиш йўлидаги ҳарқандай уринишларга қарши рахимсиз кураш олиб боришга чақирди ва душман ғуржуа идеологиясининг ҳарқандай кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб боришга чақирди.

ТРИЕСТ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ V С'ЕЗДИ

РИМ, 9 апрель. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, Триестда Триест Коммунистик партиясининг V с'езди ўз ишини тамомлаган. С'езд партиянинг бош секретари Витторио Видалининг «Триестни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тиклаш учун кураш» ҳақидаги доқладини тингланган ва муҳокама қилган. С'ездда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Триест Коммунистик партиясининг V с'ездига юборган табриги ўқиб берилганида делегатлар бу табрикни қизғин қарсаклар билан кутиб олганлар. С'ездда Европадаги халқ демократияси мамлакатлари, Хитой Халқ Республикаси, Англия, Франция ва бошқа бирқанча мамлакатлар Коммунистик ва ишчи партияларининг табрикномалари ҳам ўқиб берилган.

ИНДОНЕЗИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ МАЖЛИСИДА

ЖАКАРТА, 9 апрель. (ТАСС). Бугун Индонезия парламентининг мажлиси бўлди.

Мажлиснинг бошида парламент раиси Сартоно ССР Олий Совети телеграммасининг тексгини ўқиб берди. ССР Олий Совети Индонезия республикасининг сайланган биринчи парламенти чақирилиши муносабати билан уни самимий табриклайди ва унинг ишларига муваффақиятлар тилайди. Парламент депутатлари раисининг миннатдорчилик билдириб ССР Олий Советига жавоб телеграммаси юбориш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар. Депутатлар ССР Олий Советининг яна бир телеграммаси текстини ҳам зўр этибор билан тингладилар. ССР Олий Совети бу телеграммасида ССР ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беришни истаб, Индонезия парламенти а'золари делегациясини Совет Иттифоқига келишга таклиф этади. Яқин орада ўтказиладиган мажлислардан бирида бу таклифни муҳокама қилишга қарор берилди. Раис Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисидан олинган табрик телеграммасини ҳам ўқиб берди.

Шундан кейин бош министр Али Састроамиджойо ҳукумат номидан баёнот берди. У айтдики, ҳукумат Индонезия-Голландия битимини тамомила бекор қилади ва Гарбий Ирианни Республикага қўшиш учун курашни давом эттиради. Ҳукумат, деди Састроамиджойо, халқ манфаатларига асосланган ва бутун дунёда тинчликни сақлашга қаратилган актив мустақил ташқи сиёсатни амалга оширади. Бандунг конференциясининг қарорларини бажаришга ҳаракат қилади.

Ҳукумат ички сиёсат соҳасида бешйиллик планга мувофиқ, миллий экономикани ривожлантиришга катта эътибор беради. Бешйиллик план тез орада қабул қилиниши лозим. Ҳукумат, дейилади Састроамиджойонинг боёнотида, мустамлака экономикасидан бутун халқ манфаатларига жавоб берадиган миллий экономикага кўчишни тугаллаш учун бутун чорани кўради; ҳукумат миллий саноатни вужудга келтиришга ёрдам беради, токи республика зарур бўлган ҳамма нарсалар билан ўзини қисқа вақт ичида таъминлай олсин ва миллий саноатни четэл капиталининг конкуренциясидан ҳимоя қилаолсин. Ҳукумат деҳқонларнинг турмуш даражасини ошириш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам эътибор беради ва қишлоқ ҳамда шаҳар аҳолисининг манфаатларини ҳисобга олиб, аграр қонунларни қайтадан кўриб чиқади.

Ҳукумат иқтисодий қуролли шайкаларни тугатиш йўли билан мамлакат ичкарисида жамоат хавфсизлигини таъминлайди. Ҳукумат барча граждалар учун ҳарбий мажбуриятни жорий қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш ниятидадир.

Ҳукумат программаси юзасидан музокаралар 11 апрельда бошланади.

Белградда совет газеталари

БЕЛГРАД, 9 апрель. (ТАСС). Белградниинг одамлар кўп тўпланадиган майдонлари ва кўчаларида газета сотиладиган беш киоскада 1 апрельдан буён Совет Иттифоқининг марказий газеталари: «Правда», «Известия», «Труд», «Литературная газета» сотилмоқда. Яқин кунларда «Огонёк», «Крокодил» журналлари ва бошқа журналлар ҳам сотилабошлайди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИДА

Парк мавсумга тахт бўлади

«Победа» маданият ва истироҳат паркида баҳор бошланиши билан ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Парк бу йил меҳнаткашларнинг чинакам дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жойига айланади. Минерал сув станцияси қуриб битказилади ва ишга туширилади.

Паркда фойдаланилмаётган бўш жойлар ўзлаштирилиб, паркнинг саҳни янада кенгайтирилмоқда.

Маданият ва истироҳат боғи кун сайин кўркамлашиб бормоқда. Газон ва оранжереяларга ҳархил гуллар экилмоқда, аллеялар электр нурлари билан ёритилади. Паркда 12 ерга гуллар экилиб газонлар ташкил қилинади. Дам олучилар учун 200 дан ортиқ скамейка қўйилади. Паркдаги спорт ва танца майдонлари, ўқишхона, биллиард ва шахмат-шашка ўйнайдиган хоналар, театр саҳналари сифатли ремонт қилинмоқда. Паркда бу йил кўл ишини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Гардироб ва айвонларга жиҳозланган пляжлар бўлади. Унга 15 та зонтик қўйилади. Моторли қайиқлар кўпайтирилади. Парк сув станцияси 70 та қайиқ билан таъминланади.

Ўтган йили кузда экилган 3 минг тупдан ортиқ соя-салқин берувчи акация, қайрағоч, эман, мажнунтол ва сирень каби дарахт кўчатлари ҳозир барг ёзмоқда. Паркда ўтган йилга нисбатан бу йил 130 минг туп гул кўп экилади, 400 тупдан ортиқ токка ишком ишланиб қўйилади.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Победа» парки директори.

Роҳат қилиб маданий дам оласиз

Бу йилги мавсумда бизнинг паркимиз ҳарқачонгидан ҳам шинам ва кўркам бўлади.

Паркка асосий кириш дарвозасининг икки томонидаги гишт девор ўрнига чиройлик темир панжара ўрнатилади, кириш фасади ҳам кўркамлаштирилади. Паркнинг гулзорлари, газонлари ва партер қисмлари бардюр бетонлар билан ўралади. Айланма йўлнинг 2500 квадрат метр ҳажмидаги асфальтланмаган қисмига асфальт ётқизилади.

Кўлнинг пляжига 20 дона зонт шаклидаги соябонлар ўрнатилади. Қум солинган пляж зоналари ва қайиқ станциялари кенгайтирилади. Қайиқ станциясининг причальпирси 60 метр узайтирилади.

Бу мавсумдаги энг катта янгиликлардан бири Москванинг Горький номли паркидаги сингари 1500 кишилик Яшил театр биносининг қурилишидир. Ҳозир бу об'ектда умумий иш ҳажмининг 60 процентга бажарилди.

Шунингдек болалар майдончаси ва пионерлар майдони кўпгина янги ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозир боғни ремонт қилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Қ. АСҚАРХЎЖАЕВ,
Сталин номли парк директори.

Бахтиёр болалар кўнгилли дам оладилар

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг буйруғи билан М. Горький номли маданият ва истироҳат парки бу йил шаҳар болаларининг маданият ва истироҳат боғига айлантирилди. Паркка мактаб ёшидаги ва мактабгача ёшдаги болалар жалб қилинади.

Ҳозир боғда ҳамма ишлар болалар тематикаси асосида олиб борилмоқда. Баҳор мавсуми бошланиши билан паркда капитал ва жорий ремонт қилиш, янги будкалар ва павильонлар қуриш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари тезлаштириб юборилди.

Паркда болалар учун футбол, волейбол ва теннис майдонлари ҳамда кутубхона ва ўқув заллари сифатли ремонт қилинмоқда. Болаларнинг турли ўйинчоқлар билан шуғулланишлари учун алоҳида бўлимлар ажратилди. Қувноқ ёшлар паркда парранда-ларнинг бирнеча хиллари билан ҳам танишадилар.

Булардан ташқари паркда болалар учун ҳархил фан тўгараклари мунтазам ишлаб туради. Техник станцияси, токарьлик, дурадгорлик ва тикув ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгарақларига кўплаб ўқучилар жалб қилинади.

Паркда ҳозир газонлар тозаланди, ерлар текисланиб ранг-баранг гуллар экиш учун тахт қилиниб қўйилди. 200 тупдан ортиқ дуб, қайрағоч, акация каби турли дарахт кўчатлари экилди. Энг чиройли ва хушбўй хилли ранг-баранг гуллардан 150 минг туп экилади.

Н. СЕРГЕЕВ,
М. Горький номли парк директори.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Чин муҳаббат** 12/IV да **Гамлет.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Севилья сартароши.** 11/IV га сотиб олинган билетлар ярайди, 12/IV да **Боқчасарой фонтани.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Фарҳод ва Ширин,** 12/IV да **Сурмахон.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 13/IV ва 15/IV да **Концертлар.** Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Гулом Абдурахмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Маргарита Оқилова, Рушель Мордухаев,** эстрада солистлари **Зокир Султонов; Зоя Муллақандова, Маҳмуд Муҳамедов, Роза Қурбонова,** «Баҳор» хореография ансамбли ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар Эстрада театри кассасида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

БУГУН КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Стадионда учрашамиз** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун инглиз бадиий фильми **Леди Гамильтон,** 3-нчи залда кундуз соат 4 — 20 минутда **Венгер оперетгаси усталари.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Леди Гамильтон.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Нянчи,** кечқурун **Леди Гамильтон.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

11 апрельда

КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Қори Ёқубов,** эстрада солистлари **Зайнаб Полвонова, Фаҳриддин Содиқов, Гулом Тожиа'лоев, Зумрат Ҳожиева,** «Баҳор» хореография ансамбли ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 апрельдан бошлаб янги аттракцион

УССУРИЯ ВА БЕНГАЛИЯ ЙЎЛБАРСЛАРИ

Ўргатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Н. Александров.**

Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кашамурская кўча, 107-нчи уйда туручи **Ойша Йўлдошева** (Турахўжаева)нинг Беш ёғоч кўча, Шарқ тупик, 25-нчи уйда туручи Сайфиддин Нуруллаевич (Нуралиевич) Тўрахўжаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048, Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 03804. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1413.